

ЎЛИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Қисса

**Бани одам аъзои бир бадандир,
Ҳаммаси бир моя, бир гавҳардандир.
Танангда бир аъзо гар бўлса бемор,
Ҳаммасида қолмас сабр ила қарор.
Ўзгалар ғамини чекмаса одам,
Анга нолойиқдур инсон деган ном.**

(Саъдий)*

1

Тақдиримиз ҳарбий хизматга боғланган дамлардан бошлаб қаерда имкон бўлмасин, тоғма-тоғ юриб дам олганимиздами, тўхтовсиз йўл босиб, нафас ростлаганимиздами, мен қуролдошларимга Саъдийнинг ўғит – шеърини ўқирдим: «Бани инсон аъзои бир бадандир...» Мен бу олий ҳикмат олам ва одамни қанчалик тезроқ қамраб олса, мазҳаби турли, терисининг ранги турли инсонлар жанг нима, жанжал нима унутишларига, ҳеч қачон бир-бирларига кўл кўтариб, урушмасликларига ишонардим. Бу фикр мени қачонлардан буён тинч кўймасди, чунки замон нотинч, ғулғулалади эди. Менинг хаёлимдан олис ўтмишдаги ва ҳозирги даврдаги воқеалар ғизиллаб ўтар, бир-бирига қарама-қарши фикрлар ғужғон ўйнади. Ўтмиш аждодларимиздан тортиб ҳозирги пайтдаги ҳар бир ақлли инсон уруш-олатасирларга, адолатсизлик ва қон тўкишларга қарши курашган. Лекин қонталаб дев-нинг бақириқ-қийқириғи яна атроф-теваракни даҳшатга солар, ярқиллаган қилич, ел-мисол учган найза, баланд кўтарилган гурзи қурбон изларди. Билмадим, не сабаб, кейинги кунлар бу оғир хаёллар менга тинчлик бермас, кўз олдидан уруш даҳшатлари нари кет-масди...

Чегарадан тахминан бир юз йигирма-бир юз эллик километрларча нарида, Белоруссиянинг Грозно тумани четида уч кундан буён янгича урушиш усулларини ўрганишимиз. Менимча, янги чиқарилган қуролларнинг бир нечасини синаб кўришмоқчи. Гарчи аллақачон ярим йилдан буён ҳарбий хизматда бўлсамда, лекин ҳалигача бундай жонингни суғуриб олгудайин ҳарбий машқларни кўрмагандим. Ҳали унчалик кўп бўлмаган узоққа отувчи тўпларни ва тез ҳаракатланувчи оғир танкларни синаш учун олиб келишди. Т-34 ва КВ танклари ана шулар сирасидан эди. Рота командиримизнинг айтишича уч кунлик дала машқларидан сўнг баталонимиз қароргоҳимизга қайтиб бораркан. Машқ ҳақида гапирганимда ўнг елкам ачишиб, оғир бошларди. Танкка қарши отувчи яроқ елкамининг ишини қилганди. Аммо ўша оғир яроқни қайта-қайта елкага кўймас экансан, аниқ нишонга олиш-ни ўрганиш қаерда? Лекин шукр қиламан, минг марталаб шукр қиламан, жонсиз нарсани нишонга оламан, тирик одамни эмас! Мен отган ўқим одамга эмас, танкка бориб тегиши-ни биламан. Агар ризқ-егулигимизни бериб турган бу Она-ерда одамлар урушмасдан, фақатгина машқ қилганларида, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гуллаб-яшнашлар, юксак тараққиёт соҳиби бўлмасмиди. Чунки одамлар фақат машқ қилишарди, бир-бирларини ўлдиришмас, қон тўкишмасди... Бошим ғувиллаётган, хаёлим тариқдай сочилган мен нима дейин? Ахир урушишни ўрганиш учун қилинаётган машқлар инсоннинг инсонга нисбатан ишончсизлиги, хавфу хатардан хавотирлиги эмасми? Ана ўша ишончсизлик катта-ю кичик мамлакатларни

уруш домига тортмайдими? Уруш бошландими, у пайтда сен жонсизми, жонлими деб ўйлаб ўтирмайсан. Сен курул ўқталиб келаётган ёв бошига қилич кўтармасанг, у кўтарган қилич сенинг бўйнингни узади. Қаранг, инсон не-не аср-лар давомида бир-бирини қириш учун қандай усулларни найрангларни ўйлаб топмаган.

***Шоислом Шомухамедов таржимаси.**

Лекин аслида буларнинг ҳаммаси ўзи учун қаратилганини ўйлаб кўрганмикан? Ҳа, нима десангиз денг, ҳарбий машқлар бу инсоннинг бир-биридан хавфсираши, ишончсизлиги-нинг ўзи. Агар ана шу ишончсизлик орадан кўтарилса, машқлар ҳам ўз-ўзидан йўқолади-кетади.

Бир неча йилдан буён Оврупо нотинч, дунё ҳам бошдан-оёқ алланечук бир таҳликада. Фашист Гермони бир қўли билан Оврупони ларзага солиб, иккинчиси билан дунёнинг бошқа мамлакатларини ҳам тебратяпти. У бугун Овруподаги бор жонлию жонсизни бир ямлашда ютадиган офатга ўхшайди. Афсонавий етти бошли аждарга ҳам ўхшаб кетади, унинг битта бошини узса, иккинчиси ўсиб чиқади. Фашизм одамлар бошига қулаган фалокат келтирувчи бир махлуқ каби. Мен баъзан ўз-ўзимча ўйга толаман ва фикрлай бошлайман: бугун Гермон фашизми анчадан бери билқиллаб қайнаб турган жаҳл ва адо-ват тўла қозонга ўхшайди. У қайноқ пуфакчаларни атрофига сочиб, теварақдагиларни даҳшатга солаётир. Бу қозоннинг бугун-эрта ағдарилиб кетиб, ичидаги захрини одамлар бошига тўкиш эҳтимоли ҳам йўқ, эмас. Фашизмнинг кейинги йиллардаги қилғуликларини эслаганимда тепа сочим тик бўлиб кетади ва бир неча лаҳза ўзимни ўша гармселда қол-гандек, ўт отилаётган вулқон ичига тушгандек тасаввур қиламан. Бу дунёда яшаётган ҳар бир инсон каби ўйга толаман ва одам жинсининг кўнглига келган айрим нарсаларни қила-веришидан юрагим алангаланиб ёнади. Шундайин ўйларга борганим сари биз бажараётган машқларнинг нималарга олиб боришини шундайгина кўз олдимда кўргандайин бўлавера-ман... Соат роса тўққиз ярим, атроф ҳалигача ёп-ёруғ, аскарларнинг ёзги чодирлари кечки совуқ шамолда титрагандай кимирлайди. Худди ям-яшил ўрмон томон учмоқчи бўлаёт-гандек. Қатор тизилган қайрағоч ва игнабаргли арчалар гоҳо қаттиқ силкиниб, гўё бир-биридан паноҳ излаётгандай ёнларига эгилишади, бир-бирини қучоқлашга интилаётган-дай кўринишади. Бугун эрта тонгда машқлар тугагач, албатта уйга хат ёзаман дея ният қилгандим. Узундан-узоқ хат ёзмоқчийдим, икки-уч ҳафтага етарли хат. Лекин шунчалик чарчаганимдан қўлим на қалам ушлашни истарди, на қоғоз.

Бугун эрта саҳардан кечки бешгача бизнинг баталонимиз машқлар низомига кўра мудофаада туради, машқлар анча шиддатли ва узоқ давом этади. «Душманимиз» учоқлар ва танклар ёрдами остида мудофаа чизигимизга яқинлашиб келишни, баталонимиз диқ-қатини ўзига тортган ҳолда тўсатдан ҳимоя деворининг ўнг томонини ёриб ўтиб, бизни қуршаб олишни режалаштирган. «Душман»нинг бу мақсадини англаб қолган баталони-миз бошлиғи полковник Желтов ротамизни тезда мудофаа чизигининг ўнг томонига юборди. Биз «душман»нинг кетма-кет ҳужумларини қаттиқ қаршилик кўрсатган ҳолда қайтардик. Лекин бунга қарамай «душман» мудофаа чизигимизнинг чап ёнидан ёриб ўт-ди. Бу дала машқи ўтказилган кунда биз аскарлар бир-биримизни янада яхшироқ таниб олдик. Мен айниқса ротамиз командири Алёхиннинг айрим жиҳатларини мушоҳада эт-дим. У бундан бир ярим ой олдин бизнинг дивизиямизга келиб қўшилганди. Эрталаб бизни сафга тизишгач, уни ротанинг янги командири сифатида таништиришди. Баталон командири Желтов қатнашган бу таништирувда баталон комиссари Черненко лейтенант-нинг қисқача таржимаи ҳолини айтиб ўтар экан, унинг Қозон пиёда кўшинлар ҳарбий билим юртини тугатгач, ўша ерда уч йил ишлаганини ва кейин ўзининг талаб ва истагига кўра доимий хизмат учун дивизияга

жўнатишганини айтди. «Лейтенант Николай Васил-евич Алёхин Ғарбий махсус ҳарбий минтақа таркибидаги 11-армия ҳайатида, ишчи-деҳ-қон Қизил Қўшини сафида чин дилдан, қатъий хизмат қилади, дея ишонаман», дебон сўзини тугатди комиссар.

Дастлабки кунлар лейтенант менинг назаримда анча такаббур ва олифтадек кўринди. Унинг этигидан тортиб барча ҳарбий кийимигача яп-янги эди, эгнига чанг юқтирмас, қачон кўрманг, озода юрарди. Айтгандай, у ўзини ўта эҳтиёт қиларди. Ўзидан кўнгли тўқ-лигиданми ротадаги бошқа командирлардан ўзини баландроқ тутишга уринарди. Хизматининг аввалги уч ҳафтасида ҳаммага совуқ ва қуруқ муомала қилиб, кўпол ва кеккайиб гапирарди. Бир куни кечки овқатдан олдин Алёхин бизни хузурига чақирди. У тўнкага ўтирганча тиззаси устига қалин дафтар қўйиб, қаттиқ берилганча нималарнидир ёзарди. Унга яқинлашдик ва қоидага кўра келганимизни билдирмоқчи бўлдик. Алёхин бошини тезда қалин дафтардан кўтариб, деди:

- Жангчи Ризаев, менимча сен Тожикистондан бўласан, шундай эмасми?

- Худди шундай, ўртоқ лейтенант, - дедим қаддимни тиклаганча мен.

Алёхин дафтарни ёпиб, бир неча лаҳза менинг чехрамга синовчан боқди ва ҳеч бир кутилмаганда менга юмшоқ сўзлай кетди:

- Нотўлиқ олий маълумотлисан, шундайми?

- Худди шундай, ўртоқ лейтенант! – мен анча руҳланганча жавоб бердим.

- Қасбинг нима?

- Тарих фани ўқитувчиси. Бир ярим йил мактабда дарс бериб, кейин Қизил Қўшин сафига...

- Нега бўйдоқсан?- Алёхин сўзимни бўлиб, синовчан сўради. – Менинг эшитишимча, сенинг юртингда, умуман Ўрта Осиёда йигитлар тез уйланишади. Шундай эмасми?

- Худди шундай ўртоқ лейтенант! Мен уйланганимдан кейин бир йил ўтгач хотиним вафот этди.

- Ўтган куни биз сиёсий қисм бошлиғи билан маслаҳатлашдик, - Алёхиннинг кўри-ниши жиддий тус олди. – Сени Орловнинг ўрнига рота комсорги қилиб тайинлаймиз. Чунки Орловнинг фақат ўрта маълумоти бор, устига парвойи фалак, серғайрат эмас.

- Мен, ўртоқ лейтенант, - хавотирланганча сўзладим, - ҳали рус тилини яхши билмай-ман. Ҳали яна...

Алёхин ўрнидан эпчил турдида мёндан нарироққа бир неча қадам ташлагач, ошхона томонга нигоҳ ташлади, гўё кимнидир қидираётгандек туюлди. Шундан сўнг яна мен томон қараб, деди:

- Фикрингни тушунтира оласан-ку, у ёғи ҳаракат қилсанг, ўрганиб оласан. Ҳа, айтган-дай, отинг нима эди?

- Мардон, ўртоқ лейтенант. Мардон Ризаев.

- Биласанми нима, - Алёхин беихтиёр сарғиш ингичка мўйловининг учини бураганча деди, - менинг бобом форс-тожик классикларини роса яхши кўрардилар. Ҳаммадан ҳам кўпроқ Ҳофиз ва Хайёмни. Ленинградда бобомдан катта бир кутубхона мерос қолган.

- Сиз ленинградликмисиз? - ўзимни анча эркин тутиб, сўрадим.

- Ота-онам, укам ва синглим ҳозир у ердалар. Фақат бир мен остонадан ҳатладиму, мана кўриб турибсан, сизлар билан биргаман, - Алёхин мен томон боқиб жилмайди ва сўзида давом этди. – Бобом Хайёмнинг йигирмата рубоийини таржима қилганди. Шунчаки ўзи учун. Таътилга чиқиб, уйга борсам улардан бир нечтасини олиб келаман. Балки сен Хайёмни тўлиқ ёддан биларсан, шундайми?

- Тўлиқ эмас, лекин анча шеърларини ёдлаганман, ўртоқ лейтенант. Сўраганнинг айби йўқ, сиз шеър машқ қилиб турасизми, - мен Алёхиннинг қўлидаги қалин дафтарга ишора қилдим.

Билмадим, бу саволим унга ёқиб тушдими, бир зум жилмайганча турди. Алёхин дафтарини кўтариб, орқа-олдига алланечук бир меҳр билан боқди ва худди шу лаҳза яширин бир сири ошкор этилгандайин юзи қизариб кетди.

- Шеър эмас, баъзан ҳикоя машқ қилиб тураман, кўнгил истаган пайтда. Хайр, қолганини кейин гаплашамиз, сен энди боравер, кечки овқат вақти бўлиб қолди.

- Хўп бўлади, ўртоқ лейтенант!

Алёхин енгилгина ва илдам қадам ташлаб блиндаж томонга кетди. У билан яқинроқ танишгач кўнглимда ажиб бир қаноат кезинар, лейтенантнинг ортидан узоқ қараб қолганимни ўзим ҳам сезмасдим.

Лейтенант икковимиз суҳбат қурган ва орада бир яқин муносабат пайдо бўлган ўша кундан бошлаб унинг юриш-туришида ўзгариш юз бераётганини пайқадим. У илгариги-дек такаббур эмас, мен ва бошқа аскарлар билан ҳазиллашарди ҳам. Алёхиннинг юриш-туришидаги ўзгаришга менимча яна бир нарса сабаб бўлганди. У билан Умар Хайём ҳақида суҳбатлашганимиздан кейинги ўша окшомда мен рота сержанти Афтандил Ломидзегга лейтенантнинг ёзувчиликка рағбати борлиги ҳақида гап очдим. Сержант эртаси куни қулай пайт топиб лейтенантнинг ўзига ана шу лаёқати ҳақида гапира бошлабди...

Кечки совуқ шамол аскарлик чодирларини тўхтовсиз силкитарди. Мен турган ердан анча нарида қайси бир аскар оёқлари осмонда қўллари билан юриб борарди. Ҳангомага ўч бир неча аскар уни ўртага олганча нималардир дейишар ва қаҳ-қаҳлаб кулишарди. Шу он-да карнайча овози эшитилди ва унинг ортидан «баталон... рота... рота бўлиб сафлан, саф-лан», деган буйруқ эшитилди. Баталон белгиланган ерда тез саф тортди. Ҳар учала рота командири қўл остидаги аскарларни кўздан кечиришди. Баталон командири топшириқ берди. Мен полковник Желтовнинг бошқа роталар командирларига қараганда бизнинг лейтенантга кўпроқ меҳр билан муносабатда бўлишини сезгандим. Ана ҳозир ҳам рота-миз командири ўзига хос бир чаққон ва енгил қадам ташлаб, доклад бериш учун борар экан, полковник унинг юришини мароқ билан кузатарди. Аслида очиқ чехра, ҳазилкаш бўлган баталон командири ҳар доимгидай кўринишида рота командирларига юз ўгирди:

- Бизнинг бу машқгоҳда яна ўн кун чанг-тўзонга ботиб юришимизни аскарлар билишадими?

Баталон комиссари, рота командирлари бир-бирларига саволчан қараб, елка қисибарди. Полковник Желтовнинг чехраси ўзгарди-да, лекин яна олдинги оҳангда гапида давом этди:

- Нега ҳайрон бўляпсизлар? Дивизия бош қўмондони генерал-майор Дудин бизнинг бугунги машқларимизни кўриб ана шундай хулосага келди. Кеча мудофаада турган баталонлар ўз имкониятларидан яхши фойдаланишмади. Яъни биз ҳам ана шу гуруҳга кирамиз, - деди полковник. – Шу сабабли бошқа баталонлар машқдан озод этилдилар, лекин биз эмас. Эшитганларингдек, биз яна ўн кун сиз билан, ялқов шерийгитлар билан мазали карамшўрва ўрнига чанг-тўзонга тўямиз.

Бирданига аскарлар бир-бирларига умидсизлик билан боқиб, пичир-пичирга тушишди. Желтов аскарларнинг бу ҳолатини кузатиб турган эканми, улар томон маъноли табассум билан боқди.

- Агар мудофаанинг чап қаноти ҳам ўнг қанот каби яхши «урушганда» ҳеч қандай гап-сўзга ҳожат қолмасди. Лекин сизлар, менинг шерийгитларим, ишни расво қилдинглар.

Полковник Желтов аскарларга мурожаат этганда ё гапирганда хоҳ расмий бўлсин, хоҳ шунчаки одатига кўра уларни «менинг шерйигитларим» деб атарди. Унинг сўзларидан меҳрибонлик ҳиссини англаш қийин эмасди. Балки унинг бундай муомалага ўрганишига баталон раҳбарлари орасида ҳарбий рутбасига кўра ҳам, ёшига кўра ҳам бошқалардан каттароқ эканлиги боисдир. Унинг чакка сочларига оралаган оқ қандайдир бир жозибали ва ҳалим кўрсатарди. У ўрта бўйли, миқти, кўзлари кўк, афтидан эллик ёшга борган бўлсада, чаққон, серғайрат одам эди. Желтов ўша-ўша оҳангда сўзида давом этди.

- Ҳа, анови томонга қаранглар! Тепаликни кўрдингларми? – Желтов кўрсатилган томон кўли билан ишора қилди. – «Душман» босиб олган чап қанот ротаси бошқа роталар аскарларини ҳов анови тепаликкача орқалаб бориб, орқалаб қайтиб келади. Нима дединглар, муносиб жазоми бу?!

Желтов бу гал ўзини тута олмасдан овози борича кулиб юборди. Бошқалар ҳам унинг ҳазиллашаётганини сезишди ва жўр бўлиб, берилиб-берилиб кулишди. Полковник рўмолчасини олиб манглайи ва бўйинини артиб, қиёфасига жиддий тус берди:

- Ўртоқлар, бугунги машқимиз, яъни уруш ўйинларимиз яхши ўтди. Биз мудофаанинг чап қанотини кўра-била туриб султлаштиргандик. Биз «душман»нинг бу имкониятни кўра олиши ва ундан фойдалана билиш-билмаслигини аниқламоқчи эдик. Нима бўлганда ҳам дивизия бош қўмондони ўртоқ Дудин, штаб бошлиғи ва дивизиянинг бошқа раҳбарлари баталонимизнинг қаттиқ қаршилиқ кўрсатганидан хурсанд бўлишди. Сиз кеча ва бугун бу машқгоҳда янги қурол турларининг бир қисмини кўрдингиз. Менимча, Т-34, КВ танк-лари, 152 миллиметр калибрли тўплар кучли қуроллар ва уларни мақтаса арзийди. Мен шонли Қизил Қўшиндаги бизнинг баталонимиз ва умуман дивизиямиз бу йил ва келаси йилда яна шундай янги, кучли қуроллар билан таъминланишига ишонаман. Машқлар ёмон ўтмади, менимча, - Желтов қисмлар раҳбарларига саволчан қаради.

- Бугунги машқлар баталоннинг мудофаага яхши тайёргарлик кўрганини кўрсатди, - штаб бошлиғи капитан Ничитайло гапга қўшилди.

- Фақат мудофаа қила олиш қобилиятини эмас, балки ҳар тарафлама қобилиятини кўрсатди, - таъкидлаганча деди полковник Желтов. – Биринчи ва учинчи роталар танкка қарши қуролни ишлатишда ҳам ўзларини яхши кўрсатишди. Лейтенант Алёхин, ПТР билан урушган шерйигитларингизнинг... номлари нима эди?

- Рота комсорги Мардон Ризаев ва оддий аскар Сергей Орлов, ўртоқ полковник, - Алёхин бир қадам олдинга чиқиб, деди.

- Мўлжалга уришлари ёмон эмас, яшанглар, шерйигитлар! Лекин бир нарсани такрорлашим зарур, - таъкидлади Желтов. – Нега танкларга узоқ масофадан туриб ўқ отасизлар? Бугун деярли ҳамма мана шу хатога йўл қўйди. Танкларни яқин масофадан туриб янчиб ташлашни, аниқ нишонга олишни ўрганинглар, менинг шерйигитларим!

Желтов чиройли жилмайганича олдимизга келди, бизни сафдан чиқарди ва елкамизга тапиллатиб уриб, миннатдорчилик билдирди. У шу тарзда бошқа роталардан ҳам бир неча аскарнинг елкасига қоқди ва баталон комиссари Черненкога сўз берди. Полковник соати-га қаради-да, шерикларига нималардир деб, шошганича қаергадир жўнаб қолди.

Воқеанинг бундай тус олишини ҳеч бир кутмаганим учунми, беихтиёр кўзларимга ёш келди. Уялганимни билдирмаслик учун бармоқларим учи билан бетимга думалаган ёш томчиларини тезгина артиб олдим. Қизик, ҳар гал шундай ҳолатга тушганимда, гапнинг тўғриси, хижолатдан ўзимни қўярга жой тополмайман. Ана шундан кейин ич-ичимдан ўзимни еб, кўнглим нозиклиги ва иродам сустигини ўйлаб, аламимдан нима қилишимни

билмайман. Худди шундай бир ҳолат йиллар ўтсада ҳамон эсимдан чиқмайди. Ўшанда ўн бешга киргандим, колхоз раиси бошимни силаганди...

Бир куни туш пайти пахтазор ўртасидаги йўлда кетаётгандим. Қарасам, икки-учта мол-қўй янги униб чиққан ғўзани босиб-эзиб юрибди. Мен ҳайвонларни пахтазордан ҳайдаб чиқардимда, хаёлга берилганча йўлимда давом этдим. Тўсатдан орқада от туёғи овозини эшитиб, турган еримда тўхтадим. Раис отини чоптирганча менга яқинлашиб келди-да, шундайгина юзма-юз тўхтади.

- Молларни пахтазордан сен ҳайдаб чиқардингми? – деди ғазабланганча раис.

- Ҳа, мен, раис ака, - дедим мен.

- Бу сизларнинг мол-қўйларинг бўлса керак? – раис аввалига сўроққа тутганча аниқлаб олиб, сўнг қамчилашни ўйладими, синчковлик билан сўради. – Наҳот одам молини пахтазорга қўйиб юборса, нима кўзинг йўқми?

- Бизда молимиз ҳам йўқ, қўйимиз ҳам йўқ, раис ака, йўлдан ўтаётгандим, пахтазорда юрган мол-қўйларга кўзим тушиб қолди, - мен раиснинг қамчисидан кўз узмасдан гапирардим.

Раис бир неча лаҳза менга тикилганча қараб қолди. Бундай қарасам, унинг юзидаги ҳалиги ғазаб ўрнини меҳр-шафқат эгалляпти. Сўнгра у отдан пастга эгилди-да, бошимни силаб, узр сўрагандайин «баракалла, ўғилбола, баракалла! Қанийди, ҳамма сен каби бўл-ганда», деди. Мен кутилмаганда пиқиллаб йиғлай бошладим. Раис ҳайрон бўлиб пастга тушди ва овози тўла меҳр, қайта-қайта узр сўраб, мени тинчлантирди.

- Ҳей, хаёлпараст, ҳушингни йиғсангчи! Комиссар сен тарафга қараб икки марта гапирди. Партия, комсомол ташкилотлари деди. Лекин сен кўзларингни катта-катта очганча, киприк қоқмай у томонга қараб туравердинг, айёр, - мени тирсаги билан туртиб деди Сергей Орлов.

Мен ўз хаёл оламимдан чиқиб, комиссар Черненконинг сўзларини тинглай бошладим. Афтидан комиссар бугунги машқлар, ютуқ ва камчиликларимиз борасидаги сўзини охи-рига етказганди ва энди Шўролар Иттифоқи ташқарисидаги нотинч вазият, айниқса, Гермон фашизмнинг бугунги мавқеи ҳақида ошиб-тошиб сўзларди. Унинг айтишича фашизм ўргимчак мисол бутун Оврупога бошдан-оёқ тўр ёйиб, Шўролар Иттифоқи чега-раларига етиб келибди. Гитлерчилар Германияси юзинг борми, кўзинг борми, демасдан Оврупонинг катта-кичик давлатларини бўйсундириб олибди. Францияга босим ўтказиб, Лондонни бомбалашга тушибди, Америкага таҳдид қилаётган экан. У фашистлар Италия-си ва милитаристик Япония билан келишиб, бутун дунёга ҳукмронлик қилишни ўйлаётганмиш. Бизнинг социалистик Ватанамиз ва ишчи-деҳқон Қизил Қўшини тинчлик суянчи ҳамда осойишталик, халқлар дўстлиги тарафдоридир. Биз дунёда қон тўкувчи, инсон ёс-тиғини қуритувчи уруш бўлишини истамаймиз. Биз на Гермонга, на бошқа бирон мамлакатга урушамиз дея таҳдид қилаётган эмасмиз. Буни ҳамма билади, чунки биз Гермон билан бир-биримизга ҳужум қилмаслик борасида шартнома тузганмиз. ВКП(б) МК ва Шўролар ҳукумати ташқи низоларнинг ҳаммаси тинч йўл билан ҳал этилиши учун барча чоратадбирларни ишга солмоқда. Лекин биз ишчи-деҳқон Қизил Қўшини қизил аскарлари алданиб қолмасдан, синфий хушёрлигимизни қўлдан бермаслигимиз зарур, муқаддас тупрок ва социалистик Ватан ҳимояси учун мудом тайёр туришимиз керак...

Мен комиссарнинг сўзларини тинглаб эканман, унинг ҳаяжонга тушаётганини, қийналаётганини кўриб, ҳолига раҳмим келарди. У баланд ва бурро гапиришни истарди, лекин ҳаргал овози бўғилиб, бўғзига ёпишиб қолганда, у томоқ қириб, хириллаган овозини тоза-лаб олмоққа уринарди. Ана ундан кейин яна қайтадан ғайрати ошиб-тошиб, этигини баланд

кўтариб, пошнасини ерга урар ва шу тарзда овози баландлашган сари паст бўйи ҳам баландлашишини истарди. Мен нимагадир ҳозир комиссарга ёрдамга бориш ва улуғ Саъдийнинг « «Бани одам аъзои бир бадандир...»ини баланд-баланд ўқишни истардим. Саъдийнинг ўгити чегаралар оша ўтиши, Гермон фашизми кўзини очиши ва умуман барча мамлакатларда тинчлик-осойишталик чақириви ва инсоний дўстлик, чин инсонийлик хабарчиси бўлиб кезишини ният қилардим.

Черненко яна томоқ қириб, бир зум жим қолди, қиёфасига тантанали тус бериб, ҳамма-га бир-бир кўз қири югуртириб чиққач, яна ҳалигидайин ошиб-тошиб сўзлашда давом эт-ди:

- Ўртоқ жангчилар, - деди комиссар, - сизлар биз учун севимли ўртоқ Иосиф Виссарионович Сталиннинг жорий йилда Қизил Қўшин академиясини битириш муносабати билан ўтказилган қабулда сўзлаган тарихий нутқини жуда яхши эслайсиз. Армия халқ ва ҳукуматнинг чексиз ғамхўрлиги ва муҳаббати билан қуршаб олиниши керак. Армиянинг энг буюк, суянган маънавий кучи ҳам ана шундадир. Урушга яхши тайёр бўлиш учун, дегандилар ўртоқ Сталин, фақатгина замонавий армия барпо этиш билан кифояланмасдан, бал-ки сиёсий жиҳатдан ҳам тайёр бўлиш лозим.

Комиссар шу борада ва эртага ўтказадиган машқларимиз ҳақида яна анча гапирди, сўнгра унинг ижозати билан баталон тарқалди. Аскарларнинг қайси бирлари чодирларига кириб кетишган бўлса, кимлардир тўп-тўп бўлиб олиб, суҳбатлашишга тушишди. Уйку вақтигача яна бир соатча бор эди. Менда хат ёзишга бошқа ҳафсала қолмагани учун бош-қа баталонда хизмат қилаётган ҳамюртларим ва ўртоқларимни кўриб келмоқчи бўлдим. У бугун бизга «душман» сифатида хужум қилиб, мудофаа чизимизни ёриб ўтиб, қуршовга олишга уринган баталон эди. У ерда саккиз нафар тожик хизмат қилар ва фарғоналик Қўзибой Йўлдошев деган ўзбек йигити ҳам бор эди. Биз Қўзибой билан дўстлашиб қол-гандик. Мен қуролдошим Сергей икков старшина Сибулкодан рухсат сўраб, ўша баталон томон йўлга тушдик. Менинг Сергейни қуролдошим дейишга тўла ҳаққим бор – иккала-мизга танкка қарши отадиган битта ПТР биркитилган. Сергей ўқ тайёрлайди, мен мўл-жалга отаман. Хизматнинг ярим йили давомида Сергей икковимиз у қуролга қаттиқ одат-ланиб қолдик. Хаёлимизда у ё елкамизда, ё қўлимизда тургандек мудом. Биз назаримда баталонимиз чегарасини ажратадиган белгига ўхшаш охири чодирдан ўтмаган эдик, қар-шимиздан Қўзибой Йўлдошев ва Олег Дубровский кўринди. Биз чодирдан нарироққа ўтиб, тўртовлон узун ёғочга тизилишиб ўтирдик. Қўзибой шимининг чўнтагидан бир кафт қора майиз олиб ҳаммамизга улашди, учовимизга иккитадан ёнғоқ берди. Қўзибой ўн кун олдин уйдан совға олганди. Бу мевалар ўшандаёқ тақсимлаб бўлинган совғадан қолган-қутгани бўлса керак. Суҳбатимиз бугунги машқлардан бошланган бўлсада, ҳеч бир қизи-маётганди. Гапимиз ҳеч келишмас, тумтароқ, назаримда ҳар биримизни қандайдир бир тушуниб бўлмайдиган босим қийнаётганга ўхшарди. Ҳар биримиз бу ҳиссиётни ўзича бошқалардан яширишга уриниб, тили дилидагидан бутунлай бошқа нарсаларни сўзларди. Мен бу келишмаётган суҳбатдан тобора кўнглим олиниб, маъюслашиб, Дубровскийга қарадим. У менинг қарашимнинг маъносини сездими, ё руҳланиб кетдими, бирданига кўнглидаги ҳиссиёт ва ташвишларни тўкиб сола бошлади. У асосан Қозоғистонда яшаб-улғайиб, у ердан Қизил Қўшин сафига чақирилган эди. Лекин уч ой олдин ота-онаси Москвага кўчиб келишганди. Ниятлари ўғиллари хизмат қилаётган ерга яқинроқ бўлиш эди. Дубровскийнинг отаси Москвадаги олий ўқув юртларининг бирида профессор бўлиб, шунинг учун у дунёдаги вазият, айниқса Гермон фашизмнинг ўз сўзида турмаслиги, разиллигини яхшигина биларди. Дубровскийга отаси бир хатида замонавий урушиш усул-ларини яхши ўрганишни, чунки фашизм ва

Гитлернинг берган сўзига ишонмаслигини ёзиб юборибди. У аҳдлашган, битим тузган бўлсада, қачонлардан буён бизнинг мамлака-тимиз томон кўз тиккан экан. Агар бу йил ёмонлигини бошламаса, балки Ватанимиз у балои азим ва қабиҳликдан қутулиш йўлини топа олиши мумкин экан. Олег Дубровский-нинг «агар бу йил» дегани бизнинг шундай ҳам тумтароқ хаёлимизни тўзғитиб юборди.

- Йигитлар, биласизларми, - деди ўрнидан туриб Сергей, - биз билан урушгани Гитлер ақлини еб қўйган эмас. У қаршисида ким турганини яхши билади.

- Тўрт нафар марди майдон, - дедим ўзимизни назарда тутиб мен.

- Ҳа, гапинг тўғри, Мардон, тўртовимиз унча-мунча куч эмасмиз, - Сергей яна гапни ҳазилга бурди ва афтидан бу гал бизни ўй-хаёл ҳалқасидан олиб чиқмоқчи эди. У гапида давом этди. – Ҳей, каллаварамлар, бундоқ ўйлаб кўрсаларинг бўлмайдами – СССР билан Ўша Гитлер босиб олган Овруподаги кучсиз, кичкина давлатларни тенглаштириб бўларканми? Тумшуғини тиқиб кўрсинчи, катта холасининг уйини кўрсатиб қўямиз.

- Э қўйсангчи, мон шер*, ҳалиги Франция кичиккина, кучсиз давлат эканми?

Дубровский Сергейга юзланар экан, қиёфаси мутафаккирлар тусига кирди.

- Худо денглар, уруш бўлмасин. Биз урушнинг етти маҳалласидан безормиз, - Қўзибой жойидан қўзғалар экан, шимини қоқди ва овози қатъийлашиб деди. – Келинлар, йигитлар, шу лаънати урушнинг номини тилга олмайлик. Яхшиси, менинг юрагимни қақшата-ётган гаплардан сўранг.

- Нима бўлди? – хавотирланиб сўрадим.

- Бугун эрталаб бир ўртоғимдан хат олдим. Аҳду паймон қилиб қўйган қизимни эрга беришибди.

- Э, у қанақа аҳду паймон экан, - кулди Дубровский.

- Биз томонларда бу одатий бир ҳол. Уйлантириш ё эрга беришдан олдин йигит ё қизнинг истаги билан қизиқишмайди, - Қўзибой пастки лабини тишлаб, ғазаб билан деди.

Ҳаммамиз бир неча лаҳза сукутга кетдик.

- Биласизми, рота, ё ана олайлик, баталон жангчилари номидан ўша қишлоқларинг идораси раиси номига хат ёзамиз. Нима дедингиз, ҳа? – Сергей йўлини топгандайин жилмайди ва енгил оҳ тортди.

- Гапингда жон бор, мон шер! – Дубровский Сергейнинг гапини тасдиқлади. Эртага машқлар тугагач, ротамиз жангчиларини тўплаймиз-да, ҳамманинг имзосини оламиз. Менимча, бу оқибатсиз қолмас.

- Мен билан Сергейнинг номимизни ҳам ёзиб қўйинглар, кўл қўйганим бўлсин, - дедим мен дўстларимнинг гапини қувватлаб.

Мен дўстларим билан хайрлашиб, ўзимизнинг чодир томон йўл олдим. Йўл-йўлакай Сергей «топдим-чи, топдим»лаб бу топилмасидан қанот чиқаргандайин у ҳақда гапирар-ди: «Биз ўтакетган қаттиқ ғавғо кўтарамиз, ана қарабсанки, қиёмат қойим. Куёв бўлмиш Ватан хизматига кетиб турибди, у андишасиз қиз бўлса...» Сергей гоҳ ҳаяжонга тўлиб, овозини баланд кўтарар, менга ғазабли нигоҳини тиқиб, фикрини тушунтиришга уринар, буни кўрган бирон бегона одам икковимизни гапи қаттиқ қочиб қолган деган хаёлга бориши турган гап эди.

Нима сабабдан Сергей шунчалик аччиқ-тизиқ гапириб, енг шимарганча Қўзибойни ҳимоялаш учун «жанг»га отланган бўлса дея ўйлаётиб, қишлоғим эсимга тушиб, аста-секин ўртадан ғуборли пардалар кўтарилиб, хотирам марҳум хотинимнинг ғамгин чехра-***Дўстим (франсузча)**.

сини кўз олдимга келтирди. Юрагим қаттиқ дукиллаб ура кетди.

Биз икков чодирга кирдик. Лекин худди шу лаҳза йўлидаги дуч келган нарсани эзиб-янчганча Шарқ томон эсаётган даҳшатли тўфонни ҳис қилгандайин бўлсақда, сезмасдик.

11

Қаттиқ ухлаган эканман. Рангин хаёлларим ойдин кечадаги ҳарир ипак матонинг пардалари орасида кезарди. Отнинг ёқимли кишнаши жилоланиб турган товоқчага тўкилаётган олтин тангаларнинг овози каби қулоққа чалиниб, алланечук бир кўнгилни қитиқлаб, мени оёққа турғазди. Ёл ва думи олтинранг оппоқ от ой нурларига ўралиб-ўралиб тун қўйнига кириб кетди. У сув устига кўкрагини босган оққуш мисол ерга тиззалаганча мени устига миндирди ва қишлоғимизда айлантира бошлади. Раис бир неча қўйни пахта-зордан ҳайдаб чиқариб, мен томон норози боқиб турарди. Ёли ва думи олтинранг оппоқ от елиб борарди, елгандан-еларди ва бирданига худди ўзининг рангидайин оппоқ қанот чиқарди-да, уча кетди. Учиб-учиб Қубодиён қалъасининг ой тахти мисол равоқ ва гум-базлари устидан айланиб ўтар экан, бундай қарасам, оқ тўн кийган қария мени ўзи томон чорлади ва «бор, боргин, сени шоҳ Олий Сомон кутяпти», деди. Қизик, мен уни танидим, ҳа, дарров танидим, бу нуруний қария Носир Хисрав эди. Мен унга ҳурмат-иззат бажо келтирмоқчи эдим, лекин ёли ва думи олтинранг оппоқ от учишдан сира тўхтамасди. Ана суви тўлиб оқаётган кенг Вахш дарёси кўринди. Мен осмонда туриб ҳамма ерни ва ҳамма нарсани танирдим. Тоғлар, тепаликлар – ҳаммаси менга таниш. Бирдан минора ва гумбаз-ларга тўла шаҳар устига етиб келдик. Лекин мен бу азим шаҳарда ҳаётдан, бирон ҳаракат-дан асар кўрмайин ҳайронлигим ортди. Олтинёл отдан пастга тушгим келди, лекин нақ қулоғим остида янграган таниш жарангли овоз жойимда тўхтатди. Қарасам, буюк шоҳ Сомон тожга ўхшаш мақбарадан қуббали зарҳал ҳассасини кўтарганча чиқиб келди. У майдоннинг ўртасига етиб келди-да, деди: «Эй фарзанд, эй менинг давомчим, сен кўриб турган бу шаҳарга ақл кучини, илму маданиятни сарф этдим, бутун оламга машҳур бўли-шини истадим. Разил ва бахил кўлнинг обод шаҳарни бузиб, тит-питини чиқармаслигини, одамларнинг маданиятдан йироқ кимсаларнинг босқинидан омон қолишини ўйладим. Лекин, наилож, гўзаллик олмосдек узоқ-узоқдан ялтиллаб, ақлу ҳуш, кўзларни ўйнатади. Ялтиллаб кўзларни қамаштирган гўзаллик даштма-дашт юрган одамларнинг жаҳлини ошириб юборган пайтда ажодларимизнинг куч ва заковатидан яралган миноралар ва кўшклар ер билан яксон этилди. Бу ғамгин шаҳар Бухоронинг сукунати ана ўша кунлар учун тугилган мотамдандир. Эй фарзанд, бугун сенга қилични қиндан чиқариш, талончи-ларнинг додини бериш насиб этибди, бор, ўша томон бор». Шоҳ Сомон қўлини найзадек кўтариб, биз борадиган томонга ишора этди. Танаси ва қаноти оқ, ёли ва думи олтинранг от учарди, учиб борарди. Унинг устида борар эканман кўққисдан кенг майдонга, даҳшат-ли урушгоҳга кўзим тушди, у ердаги тупроқ ва ўт-ўлан ғализ бир тутунга қоришган, от-лиқлар чанг ва қонга ботганча юришибди. Ва яна бу қонли майдон ўртасида ҳайкалдек турган отлиқни кўрдим. У заҳарханда отганча «шу пайдан бошлаб бу ер ва замон менинг амримдадир», демоқда. Мен бу сўзларни эшитганимда қиличимни қинидан суғурдим, от-лиқнинг жазосини бермоқчи эдим, лекин шу лаҳза баланд тепалиқдан бир кўзини қора латта билан боғлаб олган ёши улуғ отлиқ қичқирди: «у билан сенинг ишинг бўлмасин, ўғ-лим, мен уни Москва остонасигача келишигача индамай тураман, сўнгра ўзи бошлаган қотилликлар ва ёндиришлар ичра янчиб ташлайман, сен инсон ва инсоф яшаши учун мен билан бир сафда туриб шаҳарни ҳимоя этгин»... Менинг оқ қанотли, олтинёл отим бир кўзи боғланган чорпахил одамнинг ортидан

ўқдек отилиб борарди. Мен уруш майдони ўртасида зафар нашъасидан маст одамнинг Наполеон, бир кўзли ёши улуғ инсоннинг Кутузов эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Оққанот, олтинёл от мени азим шаҳар остона-сида пастга туширди. Мен қатор-қатор аскарларнинг шаҳар атрофида темир девордек саф тортаётганликларини кўрдим. Қизиқ, бу охири кўринмас сафда Алёхинни, Ломидзени, ўқ овозлари ва портлаш гумбурлашларидан безовталаниб, темир деворга бориб қўшилишни истаганча ўша томон чопиб бораётган қишлоғимиздаги раисни, яна Сибулкони кўряпман. Ўқ овозлари ва портлаш гумбур-гумбурлари тобора авжига чиқади, шу пайт кўзғалган кучли тўфон учраган нарсани ютиб, деворга яқинлашади. Ана, яна гумбур-гумбур, ана яна...

Хатар бонгининг қулоқни қоматга келтириши, аскарларнинг уйқудан уйғона солиб, шоша-пиша чопишлари овози мароқли тушни охиригача кўришдан маҳрум этди. Шош-ганча кийимимни кийдим, лекин ҳалигача ўйимдан эҳтимол ҳалиги тушнинг давомини кўраётгандирман деган фикр кетмасди. Назаримда оққанот, олтинёл от учиб келади-да, кўлда сузаётган оққушдек яна олдингидек ерга кўкрак беради, мени яна елдек осмонга олиб кетади. Мен ер ва осмон томошасидан ҳузур қиламан. Аммо Сергейнинг «тез бўл, кеч қолдик» деган жаҳлдор сўзлари тахмин ва хаёл аралаш пардани кўз олдимдан нари суради. Сергей икковимиз тезликда ротамиз сафига қўшиламиз. Атроф унчалик қоронғи эмас эди, булутлар қийтиғи орасидан юлдузлар кўзга ташланарди. Осмоннинг кўриниши, ҳар ер-ҳар ерда юлдузларнинг чақнаб туришидан ҳали тун ҳукмрон эканлиги, тонгдан дарак йўқлиги сезиларди.

Узоқ-яқиндан келаётган машина ва танкларнинг овози аралашиб кетаётганди. Полковник Желтов қисмлар кўмондонлари турган даврдан чаққонлик билан чиқди ва олдинги-дай оҳиста сўз бошламоққа уринди. Лекин буни бутунлай эплаёлмади, биз унинг овози ва ҳаракатидан қандайдир бир кутилмаган ҳодиса юз берганлигини пайқадик.

- Ўртоқлар, жангчилар, бизнинг баталонимиз ва умуман бутун дивизия тўлиқ жанг тай-ёргарлиги билан Ғарбга, чегара томонга йўлга тушиши зарурлиги ҳақида буйруқ бўлди, - деди полковник Желтов. – Баталон ҳар қандай олишувга тайёр туриши шарт! Йўлда рота командирлари вазиятнинг қандайлиги ва янги буйруқлар борасида сизга билдириб туришади.

Лейтенант Алёхиннинг буйруғи билан ротамиз машиналар олдида сафланиб, ҳаракатга тайёрландик. Мен вазиятдан хабари бўлса керак деган ўйда астагина бу борада старшина Сибулкодан сўрадим.

- Ўзинг эшитдинг-ку, биз ҳар қандай олишувга тайёр бўлишимиз шарт, – украинча талаффузда жавоб берди Сибулко. Унинг сўзлари маъқулдай туюлсада, лекин алланечук бир тушунарсиз эди. – Балки чегарада бирон ҳодиса юз бергандир, балки бирон ёнғин-понғин чиққандир.

- Менимча фрислар бурниларини тиқиб, бизни синаб кўришмоқчи, - гапга қўшилди Сергей.

Сибулко «ким билади», дегандайин елка қисди. Алёхиннинг буйруғи янграши билан машиналарга ўтирдик. Сержант Ломидзе машина устида туриб бошини пастга эгди ва лейтенантдан сўради:

- Ўртоқ лейтенант, ҳеч ишонмайсиз, сиз ҳам... - ғала-ғовур ва машиналар овози остида Ломидзе нима демоқчилигини билмай қолдик.

Алёхин пича орқароққа ўтиб, машиналар тартибини кўздан кечирди-да, сўнгра деди:

- Ҳали баталон, полк ва дивизия командирлари ҳам бирон аниқ нарсани билишмайди.

Фашистлар чегарада қандайдир нағма бошлашган деган тахмин бор. Биз ўз қароргоҳимиз-га қайтишимиз зарур. – Алёхин бошқа гапиришни истамай, колоннанинг олдинги сафига ўтди.

Биз йўлга тушдик. Шу дамда чўнтагимдаги соатга бир қараб олиш учун ҳам фурсат топмаганим эсимга тушди. Соат учдан қирқ минут ўтганди. Тун ярмидан ўтганда шошганча Ғарб томонга йўлга отланишимиз, қисм раҳбарларининг юзта тахминга боришлари иста-са-истамаса ҳар қандай одамни ўйлантириши турган гап эди. Қароргоҳга йўл анча олис эди. Кўринишларидан ҳамма жангчилар мубҳам ва ғаш фикрлар таъсирида сукутга чўмган эдилар. Ўрмон четидаги нотекис йўлда машиналар тез юра олмасдан, бир-биридан ўн-ўн беш метр ораликда қийналгандай кучанганча овоз чиқариб борарди. Машиналар чироғи нурида кўринаётган чангдан ҳаммамиз тупроқ кечиб бораётганимизни билиш қийин эмас-ди. Қароргоҳдан машқ майдонига келаётган пайтимизда ҳам худди шундай аҳволга туш-гандик. Бизни қолган баталонлардан ажратиб турган ўрмоннинг бошқа йўли томондан танкларнинг гулдураган овози эшитиларди. Бу овозни эшитганда танклар бир-биридан ўзиш учун кучаняпти деган хаёлга борардик.

Нотекис ерда бораётган машиналарнинг кўтариб уришлари яна оққанот, олтинёл отни эслатди. Кўнглимда ўша от учиб келиб, мени яна туш ва хаёлнинг гўзал оламига олиб кетиш истаги туғилди. Қани яна Вахш водийси, туғилган ерим Қубодиёнда сайр этсак. Қизик, тушимда кўрган қалъа ҳозирги қалъаларга сира ўхшамасди. Ҳозир у ерда тепалик-лар ва тўкилиб, ер билан битта бўлиб бораётган деворлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Балки қалъанинг узоқ ўтмишдаги кўриниши кўз олдимга келгандир. Қизиғи, мен бор-йўғи бир мартагина Бухорога борганман, бундан уч йил олдин. Шаҳарни бошдан-оёқ томоша қил-дим. Ҳаммадан ҳам шоҳ Исмоил Сомонийнинг мақбарасига мафтун бўлиб қолдим. У 1Х-Х асрдаги мислсиз меъморчилик ҳунаридан ёдгорлик бўлиб қолган. Тарихда «Сомоний-лар давлати» билан машҳур биринчи кучли тожиклар давлатидан нишона. Балки шунинг таъсирида тушда кўрганим янада жозибали ва шуқуҳли кўринишда кўз олдимда жилва этгандир. Лекин ундан ҳам қизиқроғи тушимга Наполеон ва Кутузовнинг киргани бўлди. Бу тушнинг таъбири не бўлса? Шу пайт муаллимлик олий ўқув юртида ўқиб юрган кез-ларим биз – бир неча талаба Лев Толстойнинг безавол романи «Уруш ва тинчлик»ни бир-галикда мутолаа қилганимиз келди. Роман тожик тилига таржима этилмагани ва биз рус тилини яхши билмаганлигимиз боис рус тили ва адабиёти ўқитувчимиз Лидия Степановна Балашовадан бизга ёрдамлашишни сўрагандик. Муаллима ҳафтасига уч марта дарсдан кейин бизнинг тўғарагимизга келиб, «Уруш ва тинчлик»дан ўқир ва бизга тушунтириб берарди. Ана шу тарика биз у киёси йўқ романнинг турли рангларда товланувчи ва ўта таъсирчан оламидан баҳраманд бўлгандик.

Гарчи тун ҳукмрон бўлса-да, атроф ёруғ эди. Қаторлашиб кетаётган машиналар, экин-зорлар, ўрмон ва йўл ўртасидаги гулзорлар, ҳар ер-ҳар ерда нами кўпчиб ётган майдонлар, кўлмаклар аниқ-таниқ кўзга ташланарди. Шарқлик бир одам – мен учун Оврупо тунлари ажиб бир мароқли туюларди. Куз ва қиш ойларида кундузги уч ярим-тўртларда бу ерлар-да қоронғулик ўз пардасини ёя бошлайди, лекин кўклам ва ёзда – май ойи охирилари, июн-да тонг эрта отади – тунги уч ярим ва тўртлар орасида. Тожикистон, умуман Ўрта Осиёда тонг бундан анча кечроқ тунни ортга чекинтиради.

Сергейнинг жимгина ўтирганидан ҳайрон бўлиб, ёнимга қарадим, унинг боши чап елкасига осилиб, йўл зарбида тебраниб борарди. Афтидан мудраганига анча бўлган кўрина-ди. Сал олдинроқ ҳам назаримда уйқусираган, карахтга ўхшаб кўринганди. Мен ва сер-жант Ломидзенинг нигоҳимиз тўқнашди. У атрофига кўз югуртириб, маъноли жилмайиб қўйди.

Машиналар қатори чети кўринмаётган текис ерга чиқди, биз бу дашт йўлининг бизни тўғри олиб кетиб, яна қалин ўрмонлар кўйнига элтишини билиб турардик. У ердан бизнинг қароргоҳимизгача яна йигирма-йигирма икки километрча қоларди. Даштнинг яр-мидан кўпроғидан ўтиб, энди ўрмон томон бурилгандик, ногоҳ биздан олдинда кетаётган машинада ўтирган аскарлар осмонга қараганча хавотирланиб гап бошлашди.

- Йигитлар, йигитлар, осмонга, чап томонга қаранглар! Самолётлар... Э, санаб бўлмай-ди. Бизнинг самолётлар бўлмасин, ё, – биз ўзимизнинг гуруҳимиздан бўлган аскар Гаврилиннинг ташвишли овозини танидик.

Ўрмон четидаги уфққа қарар эканман, уруш самолётлари тўпига кўзим тушди. Улар булут тўдалари тагида кўзга аниқ ташланарди. Аввалига ўша булут тўдалари худди оҳан-рабо каби самолётларни тортиб олганча, ҳаракатлантиришга қўймаётгандек туюлди.

Мен хаёлчан уфққа тикилар эканман, бу каби самолётлар кўринадими-йўқми, деб ўйлардим... Бирданига шундайгина тўғримизда – кенг осмонда бошқа самолётлар тўдасига кўзим тушди. Мен у темир қушлар фазонинг оппоқ пардасини йиртиб ўтиб, йўлидаги учраганни ютиб, даҳшатли соя каби биз томон, Шарқ томон бостириб келаётир деган ўйга бордим. Сочимдан тирноғимгача алланечук бир тушуниб бўлмас, қаттиқ босим остига олаётган ҳиссиёт қамраб олди. Чунки ҳозир мен кўриб турган учишлар илгари осмонда кўп кўрган учишларга сира ҳам ўхшамасди. Мен тирсагим билан Сергейнинг курагига туртиб, самолётлар томон ишора қилдим.

- Во ажаб!.. Бу нима бало? Умримда бунча кўп самолёт кўрмаганман, ишонинглар, бирон марта кўрмаганман! Яна йўлдан адашиб қолган бўлишмасин?! – деди ўтирган ери-дан ярим кўзғалиб, қаттиқ ҳаяжонланган Сергей.

- Э, бунчалик бақирма, борди-ю тунги машқлар ўтказилаётган бўлса-чи, - деди афтини буриштирган Ломидзе осмондан кўз узмаган ҳолда.

- Машққа ўхшамаётир, менга шундай туюляпти, - ўзимнинг паст, ҳадик аралаш овозимдан ўзим чўчиб кетдим. Назаримда овозим ҳали бўғзимдаёқ титрар, у қулоғимга аранг етиб келарди.

Самолётлар тўдаси кенг дашт устига етиб келмасдан ундан бир нечта тезучар кичик учоқ ажралиб чиқди ва бизнинг машиналар қарвонимиз томон яқинлаша бошлади. Учоқ-ларнинг пастлаб уча бошлаганидан даштга қўнмоқчи шекилли деган ўйга ҳам бордим. Лекин машиналар қатори устига етиб келган учоқлар ўқ ёғдиришга тушди. Кутилмаган портлаш ва ўт очишлардан доврираб қолган ҳайдовчилар ҳалигача машиналар тезлигини пасайтирмай, бир хилда олға қараб боришарди.

- Тўхта, тўхта! – Ломидзе ўрнидан туриб кабина устига кетма-кет муштлаганча бақир-ди. – Йигитлар, тезда машинадан тушинглар! Тезда тарқалиб, ўзларингни четга олинглар!

Мен ўтлар орасига яширинар эканман, ҳалигача нима бўлаётганини тушуна олмасдим. Тиззамнинг кўзи тошга бориб урилган шекилли, зирқираб оғрирди. Мендан нарироқда ер-га қорнини бериб ётган Сергей ғулдуллаганча ПТРидан ўпкаларди.

- Қуриб кетсин, келиб-келиб ўзимнинг қуролимдан калтак едим-а, – деди пешонасини кафти билан силаганча қуролига аламли қараётган Сергей. – Шундан кўра қон чиққанда яхшийди.

Самолётларнинг қулоқларни қоматга келтираётган ваҳимали овозлари, ўт ёғдириш ва портлашлар авжига чиқди. Бу даҳшатдан жон сақлаш учун бирон жарлик ё ариққами кириб олиш, ёмғирдай ёғилаётган ўқдан бошимни асрашни ўйлардим. Бир зумда бир неч-та машина ёна бошлади. Қаттиқ портлашдан сўнг машинамиз ёнгинасида тупроқ осмонга тутундек

кўтарилди. Сергей иккимизнинг устимизга кесак ва тошлар дўлдай ёғилди. Тепа-миздаги учоқлар бири кўйиб, иккинчиси устимизда даҳшат солар, назаримда тагимиздаги ер уларга кўшилиб айланаётгандек эди. Бу даҳшатли манзара қонталаб бургутларнинг учишига ўхшарди. Қонхўр қушлар ажал тўла чангалларини ёзганча ўлжасига ҳамла қиларди. Ана шу даҳшатли овозлар, портлашлар ва ўқ ёғдиришлар ўртасида тўсатдан қулоғимга ўзимга таниш бир пичирлаш эшитилди: «Илоҳим, бу кутилмаган балодан бизни қутқар, илоҳим, бизни ўз паноҳингда асра!» Мен бир неча лаҳза бу таниш овоз таъсирида қолдим. Ўзимни бироз тутиб олиб, даҳшатлар таъсирида васвасага тушиб қолдим, деган хаёлга бордим. Қаердандир Сибулконинг «Қорнимга ур, аблаҳ!» деган овози қулоғимга чалиниб, у томон қарашга интилдим.

- Қимирлама! Мардон! Ана фашист деганлари ким экан! – Сергей ярим юмуқ кўзлари-ни менга тикиб аламидан бақирди.

- Наҳотки, уруш бошланган бўлса, - кўнглимдан ўтказдим. – Бизнинг самолётларимиз қани? Душман учоқлари қандай қилиб чегарадан ўтиб, шунча узоққа етиб келди? Наҳот бу балодан қутулиш учун бош кўтаришнинг бирон йўли бўлмаса? Кечагина ўтказган машқларимиз қаерда қолди? Нега ҳатто қимирлашга мадоримиз йўқ? Худойим, ўз паноҳингда асрагин, кўкқисдан осмондан бошимизга ёғилган бу қандай даҳшат бўлди? Агар уруш деганлари шу бўлса, бу кетишда ер юзида инсон уруғи қолмайди-ку! Нега Сергей жим қолди? Яна ўқ тегмаган бўлсин...

- Сергей, ҳой Сергей! Тирикмисан?

- Ҳа, гўрдан ташқари. Худо ҳақи, бу очиқ майдонда биттаимизни қолдирмай қириб ташлашади, - Сергей устимизга бостириб келаётган янги самолётларга чўчиганча қараб деди.

- Оёқ-қўли боғланган овдек ётибмиз, - дедим беихтиёр танкка қарши отувчи қуролим томон қўл чўзар эканман.

Қаршимизда қанотларини баланд-пастлатаётган самолётлар яна пайдо бўлди ва ўт очди. Визиллаган ўқлар атрофимизга санчилди, назаримда биттаси танкка қарши отадиган қуролимни ялаб ўтгандайин овоз чиқарди. Билмадим, бу қўрқинчли кўриниш қанча вақт давом этди экан, аста-аста учоқлар овози пастлашиб, биздан узоқлаша борди. Бошимни кўтариб, самолётларнинг қалин ўрмон устига кўтарилиб, кўздан йўқолганини кўрдим. Лекин ҳалигача узоқ-яқиндан портлаш ва отишма овозлари қулоққа чалинарди. Ҳар ер-ҳар ерда, ўрмонлар ортида тепага ўрлаётган тутун ёруғ осмоннинг бағрига қора доғ тортганча ёқимсиз ҳид тарқатарди.

- Рота, менинг ортимдан юр! Тез, тезроқ! – Алёхиннинг таниш овози бизга мадор бағишлагандайин бўлиб, ўрнимиздан турғазди.

Ҳаммамиз ўрмон ичида саф тортдик. Алёхин лабининг атрофини тез-тез рўмолчаси билан артганча норозиларча нималардир дерди-ю, орқа-олдинга қадам ташларди. Менинг сезишимча кутилмаган аламли ҳодиса унга қаттиқ таъсир қилиб, жаҳлини чиқарган ва ҳозир бизга таскин бериш учун бирон нима дейишни билмасди. Узоқдан ёнган машиналар деҳқонлар ҳар кўкламда экин мавсуми бошланиши олдидан кенг ялангликда тўдалаб ўт қўядиган хазон ғарамларига ўхшарди. Ўт ва тутун орасидан зарар етмаган бир неча машинани олиб чиқишди. Мен у манзарадан кўзимни олиб қочдим, чунки мажруҳ ё ҳалок бўлган аскарларни кўришни истамасдим! Худди шу дам мени қуршаган ҳиссиётлар ўрамаси-да ўзим учун нотаниш, ноаниқ бир туйғу чарх урарди. У хаёлга эмас, балки тушга ўхшаб кетарди. Бу ўй ва тушуниб бўлмас ҳиссиёт бир лаҳзада ўз бағрига шунчалик тортиб кетганидан ҳозиргина кечган воқеаларни кўркув ва ваҳима таъсири, ўзим учун мароқли бўлган тушнинг

давоми деб била бошладим. Ана шунинг учун ҳам бизнинг сафимиздан ким-лардир яралангани ё ҳалок бўлганлигига ишонмасдим. Ҳеч ишонгим келмасди.

- Ўртоқ лейтенант! Баталон командири сизни сўраяпти! – Алёхиннинг олдига яқинлаш-ган бўйи паст, буғдойранг аскар командирнинг буйруғини етказди ва чопганча бошқа рота томон кетди.

- Сержант Ломидзе, сафнинг олдига чиқинг! Мен келгунимча ҳеч қандай ортиқча гап бўлмасин! – Алёхин ҳеч кутилмаганда ғазабга тўлиб бақирди. Сергей икковимиз бундан хайрон бўлиб, бир-биримизга қарадик.

Алёхин аскар кўрсатган томон тезда йўлга тушди.

Бирдан бизнинг сафимизга жон кирди ва бир неча аскар пичир-пичир бошлади.

- Ўртоқ сержант, жангчилар Комаров, Семёнов, Шафиулин, старшина Сибулко, - Гаврилиннинг айтаётган сўзи оғзида қолди, Ломидзенинг дағдағали овози уни тинчитди. – Жангчи Гаврилин, сенсиз ҳам яхши биламиз, олишувнинг биринчи лаҳзаларидан дарров ҳисоб-китоб ва билағонлик, муболаға қилмасанг ҳам бўлади. Бу машқ эмас, жанг эди. Тушундингми? Жанг! Уруш эса, қурбонсиз бўлмайди!

«Уруш» сўзини эшитиб, гўё кимдир темирдек қаттиқ кучли қўллари билан кўкрагим-ни аёвсиз қисгандайин бўлди, тилим танглайимга ёпишиб, нафасим бўғилди. Наҳотки... Йўқ-йўқ, Гермон биз билан ҳеч қачон урушмайди. Ҳа, бундай бўлиши мумкин эмас! Ахир у билан бизнинг битимимиз бор, аҳду паймон қилганмиз. Бу аҳдни бузиш инсоният олди-да ўтакетган азим гуноҳ. Наҳотки улар бу гуноҳ тамғасини олмон миллати пешонасига бир умр ўчмайдиган қилиб, қабоҳат, жаҳолат рамзидек ёпиштириб қўйишади? Менинг бу сочилган фикрларим бўлак-бўлакларга ажралган, қаттиқ совуқ шамол уларни сира тин-читмасдан, тўзғитганча ким қаерларгадир олиб кетарди. Не иложда ўзимни бир нарсага ишонтиришга уринаман: бу ҳали уруш эмас, биз йўлда учраган бир тасодиф эди.

- Айтдим-ку, билмайман. Ҳозир лейтенант нима воқеа юз берганлигини тушунтиради, - Ломидзе қайси бир жангчининг саволига жавоб берди. – Балки фашистлар бизни қони-мизни қайнатиб, уруш чиқаришга уринишаётгандир? Ё чегарада бизнинг кучларимизни синаб кўрмоқчи бўлаётгандир? Хуллас, ҳозир мен ҳеч нарсани билмайман.

Моторларнинг гуриллаши яна қайтадан ҳаммамизни безовталантирди. Биз яширинган ер устида саноксиз самолётлар пайдо бўлди. Дарахт шохлари ва юпқа барглари орасидан уларнинг қанотлари остидаги тўртбурчаксимон белгиси аниқ кўзга ташланарди. Орадан ҳеч қанча ўтмай узоқ-яқиндан ўқ овозлари ва кетма-кет портлашлар эшитила бошланди.

- Нима десангиз-демасангиз, бу урушнинг белгиси, ўртоқ сержант, - қайси бир жангчининг овози баланд эшитилди.

- Ортиқча гаплар бўлмасин! – Ломидзе қаттиқ таъкидлади.

- Биласанми, Мардон, - Сергей тирсагимга туртганча деди. – ҳалиги ўқ жаласидан эсон-омон қутулдикми, энди буёғига бизга бирон бало урмайди.

- Худо деб гапир! Подадан олдин чанг чиқариш яхши эмас... - ўзимча Сергейга фикримни тушунтирмоқчи бўлиб, дедим.

Алёхин олдинги вазоҳати билан олдимизда пайдо бўлиб, алланечук бир алам тўла оғир нигоҳ билан сафимизни кўздан кечирди ва ҳеч бир муқаддимасиз мақсадга кўчди.

- Ўртоқ жангчилар, фашистлар бизнинг шаҳар ва қишлоқларимизга бомбалар ташлаш-моқда. Уларнинг бу қонхўрликлари ва ифвогарликлари қандай давом этишини ҳали билмаймиз. Лекин биз тўлиқ жанговар ҳолатга кириб, қароргоҳимизга етиб боришимиз зарур. Бутун вужудимиз билан бўлажак буйруққа тайёр туришимиз шарт. Мен бизнинг кучли

чегара қўшинларимиз ифвогарликларга муносиб жавоб беришга қодир деб ишонаман.

Биз ўрмон ёнидан тез суръатда юриб борардик. Энди илгари шунчаки бир туш, хаёл дея ўзимга тасалли беришни истаган тахмин ва шубҳаларим бор воқеа бўлиб чиқди. Кўнг-лимда фашистларнинг бу қилғуликликлари чегара яқинида кучларни синаш учун қилин-ган олишувлар эмаслиги, балки қаттиқ қирғин урушнинг бошланиши деган фикр кечар-ди. Уруш бўлганда ҳам, ҳаёт ва мамот уруши. Бундан бир неча соат йўлда келаётганимиз-да кўрган тушим бор ранг ва товланишлари билан кўз ўнгимда жилваланди. Қадимий қалъа ва шаҳарлар матонат ва ғалабанинг, халқнинг синдириб бўлмас кучли руҳияти, иродаси белгиси сифатида янги-янги кўринишлар оларди. Мен олдинги ўй-хаёллар олами-ни яхши тушунишни истайман. Ҳалигина ўқ ёмғири остида қолиб кетишимиз ўша тушим-нинг таъбири эмасми? Чўнтак соатимга қарайман, ўн бешта кам олти. Биз ҳаммамиз шош-ганча боряпмиз, шошиб! Гўё бизнинг чаққон қадам ташлашимиздан кўп масалалар тугуни ечиладиган каби. Ҳар ҳолда мен ҳозирги ҳолатни шундай тушунаман – қанчалик тез юр-сак ва тайинланган ерга етиб борсак, бало, хавфу хатар йўлини шунчалик тез тўсиш мум-кин. Биз ҳаммамиз шитоб билан борамиз, фақат оёқ товушлари ва аскарларнинг тез-тез нафас олишлари қулоққа чалинади, холос. Ҳалигача фикрим аскарлар пошнаси тагидан кўтарилаётган чанг каби тарқоқ ва ғуборли. Ажаб эмас, душман билан... Энди менинг душман дейишим аслига тўғри келади, ҳали нима дегандим... ҳа, душман, фашизм билан юзма-юз бўламиз. Ё у, ё биз! Мен нималар деяпман? Балки биз қароргоҳимизга етгунча душман йўлини тўсган бўлишса, ахир чегаранинг дарвозаси бор. Қанийди душман билан юзма-юз бўлмасак ва ҳар биримизнинг орзу-умидларимиз гуллаб-яшнаса. Қанийди юзма-юз бўлмасак...

Бизни ўрмон четида тўхтатишди. Устимиздан уч қатор самолёт учиб ўтиб кетди. Уларнинг қанотлари остида қора тўртбурчак белги кўринди. Энди бу белгилар бало ва ўлим белгилари каби туюларди.

- Яна нима бўлди? – Сергей мен томон саволчан назар ташлади.

- Менимча, уларнинг йўлини тўсиб қўйишди, - ҳеч бир мулоҳаза юритмасдан кўнгилга таскин бериш учунми шундай дедим. – Энди бизнинг шошиб-пишиб боришимизга ҳожат қолмагандир?

- Сержант Ломидзе, ефрейтор Ризаев менинг ортимдан келинлар, - Алёхин баланд овозда буйруқ берди.

Биз баталон командири Желтов ҳузурига етиб бордик. У ерда бошқа қисмлар вакил-лари ҳам тўпланишган экан. Полковник Желтовни қачон бўлмасин очиқ чехра, ўзига ярашган бир табассум билан кўриб одатланиб қолган эканман, лекин бу гал у чарчаган, қаттиқ ташвишга тушгандайин кўринарди. Командирни биринчи марта кўрган одам ҳали унча ёши ўтмаган бу кишини бир умр шундай ҳолда яшаган ва кўксида оғир бир ғам юки-ни кўтариб юрган деб ўйлаши мумкин эди.

- Ҳар ким қўлидан келганча ерга ўтиришини сўрайман, - командир бирданига гапини шундан бошлади. – тезроқ, ўртоқлар тезроқ!

Ҳаммамиз елка елкага теккудайин яқин, ерга ўтирдик. Фақат баталон командири, комиссар ва штаб бошлиғи бизнинг қаршимизда тик турганча қолишди.

- Мен нима демоқчи эканлигимизни балки ҳаммаларинг билиб турган бўлишларинг керак. Қароқчи фашистлар самолётларининг тўсатдан ҳужум қилишлари сизларни алла-қачон бу фикрга келтирган деб ўйлайман., - полковник Желтовнинг овози бўғзига тиқилди ва у қаттиқ томоқ қириб, сўзида давом этди. – Фашистлар Германияси аҳдини бузиб, бизнинг

муқаддас тупроғимизга хужум қилди. Уруш эълон қилмасдан, мана шун-дай разилларча, орномуссиз! Шу дақиқадан бошлаб, шу бугундан бошлаб ишчи-деҳқон Қизил Қўшинининг ҳар бир шуҳратли жангчиси, коммунистлар ва комсомоллар, катта-кичик командирлар социалистик Ватан ҳимояси учун жонимизни аямаймиз. Ҳозир бир буйруқ олдик. Тайинланган еримизга бормасдан, мана шу ҳудудда, - Желтов қўли билан сабзавот экилган кенг майдонларга ишора этди. – мудофаа девори қурамыз. Эсингизда бўлсин, мудофаа деворидан беш километр орқароқда катта йўл ўтади. Бизнинг ҳарбий қисмларимиз ҳаракати ана ўша йўлга боғлиқ. Агар борди-ю, душман бу ҳудудларга етиб келса, такрорлайман, етиб келса, унда жонимиз борица бу ерни ҳимоя қиламиз. Душман-га қатъий зарба, ўлим зарбаси беришимиз зарур! – полковник шундай дея комиссар Чер-ненкога юз ўғирди ва ундан айтадиган гапи бор-йўқлигини сўради.

- Гапим бор, ўртоқ полковник! Очиғини айтаман, душман уруш кўрган ва маккор, - комиссар ўйчан ҳолатда олдинга чиқди ва гап бошлади. – Лекин ишчи-деҳқон Қизил Қўшини бу қон маст қилган ва талончи тўдаларни янчиб ташлашга, йўқ қилишга қодир. Бунинг учун айниқса коммунистлар ва комсомоллар шахсий ўртак кўрсатишлари зарур. Сиз кўрсатган ибрат мисли кўрилмаган, шу пайтгача ҳеч учрамаган ва эшитилмаган ибрат бўлсин. Баталон командири айтганидек душман биз турган ергача етиб кела олмайди. Чунки бизнинг чегара қўшинларимиз ёв билан қаттиқ урушмоқда. Бироқ ҳар қандай ҳоди-сага тайёр туришимиз шарт! Биз партия ва комсомол ташкилотларига бу кучли масъулият-ни фуқаролик қарзи сифатида ўташи шартлигини ҳар бир аскарга сўзма-сўз тушунтири-шини талаб қиламиз.

Узоқ-узоқлардан оғир тўп садолари ва портлаш овозлари аранг қулоққа чалинади. Биз турган ердан четроқда бомба ёғдирувчи учоқларнинг катта галаси осмонни тўлдириб, ваҳимали гуриллаганча ўтиб кетди. Ҳаммамиз бир зум уларнинг ортидан аламга тўлган ҳолда кузатиб, жим қолдик.

- Рота командирлари шу ерда қолсин. Бошқалар жангчилар олдига бориб, вазиятни аниқ ва жиддий тушунтирсин. – Желтов бу сўзларини айтиб бўлгач, Алёхинга юз ўғирди. – Лейтенант, Сибулкодан хабар олдингми?

- Елкасининг яраси чуқур эмас, ўртоқ полковник. Уч-тўрт кун санбатда даволанади, - деди Алёхин Желтовга яқинроқ келиб.

Мудофаа девори қуриш тайинланган кенг экинзорнинг тупроғи юмшоқ бўлгани учун биз тезда хандақлар қазидик. Бизнинг ортимизда, икки юз-икки юз эллик метр нарида қалин ўрмон шовуллаб турар, у томондан тонгги ёқимли шабада эсарди. Алёхин етиб кел-гунча партия ташкилоти котиби Ломидзе ва мен вазиятни, ҳақиқий ҳолни жангчиларга тушунтириб берганимизда орага аллақандай бир тазйиқ қилаётганга ўхшаш оғир сукунат чўмди. Ана шу ғамгин сукунатда олам-олам ўй-хаёл, орзу ва умидлар аралаш-қуралаш бўлиб кетганди. Ҳар ким юз берган вазиятни ўзича тушуниб, ўзича муҳокама қиларди. Шўх ва кўрқмас Сергей ҳам хандақни қазиб бўлганча лом-мим демади, гоҳида атрофга кўз қири билан ғамгин назар ташлар, қандайдир бир оғир нохуш ўйга чўмгандайин эди. Уни ва ўзимни тазйиқ солиб турган ҳолатдан чиқариш ниятида икки марта Сергейга сўз қотдим, лекин у совуққина жилмайиб, гаплашиш истаги йўқлигини билдирди.

Лейтенант Алёхин хандақлар ёнида юрганча жангчилар кайфиятини кўтаришга ури-нарди. У менинг олдимга келиб танкка қарши отувчи қуролимни қандай ўрнатганимни кўриб, маъқуллади. Лейтенант мен ва Сергейга боққанча юмшоқ сўз бошлади:

- Эҳтимол, душман асосий зарбани биз томон берар. Чунки бу ердан катта йўл томон

тўғри чиқиш қулайроқ. Юракни катта қилинлар, фашистга қизил аскар кимлигини кўр-сатиб кўямиз, - Алёхин қоматини тик тутиб, жиддий тусда давом этди, - машқларда орт-тирган тажрибамизни ишга солинг! Ўқни беҳуда сарфламанлар, нишонни аниқ олинлар!

Шу пайт икки самолёт қаердандир пайдо бўлиб, бирданига баталонимиз турган ерга ҳужум бошлади. Хандақларимиз атрофида портлашлар овози осмонга ўрлади.

Курагимни хандақ деворига қаттиқ тирадим, назаримда тепадаги бор тупроқ устимга ёғилаётгандайин эди. Хандаққа қанчалик қаттиқроқ жипслансам, устимга тушаётган тупроқни кўтариш шунчалик осондек туюларди менга. Худойим, бу аҳвол яна қачонгача давом этади? Энди бундай ўйлаб қарасам, биз ўтказган машқлар чиндан ҳам бир мамлакатнинг иккинчи бир мамлакатга ишончсизлиги боиси экан. Биз фашизмга ишонмаслиги-миз учун машқларга зўр берган эканмиз. Қачонлардан буён томоққа тикилган суякдек ўй-лантириб келаётган саволимга энди жавоб топгандек эдим. Ҳа, бизнинг қисқа муддатли машқларимиз қанчалик тўғри бўлганлигини фашистларнинг тўсатдан қилган ҳужуми ис-ботлади. Шу билан мен ноҳуш бир ўйдан қутулгандим. Жавоби шу, бундан бошқа эмас, деган ўйга борганча, енгил нафас олдим.

Самолётларнинг кўздан йўқолганига анча вақт ўтгач, юз-кўзимга, устимга ёғилган чанг ва тупроқни қоқиб, тозалаб, хандақ ёнида ағанаб ётган танкка қарши отувчи қуролни олиб, аввалги жойига қўйдим. Танкотарнинг тутгичидан ушлаганча узундан-узок чўзилиб кетган майдонга кўз тикдим. Душманнинг чигиртка-ю қумурсқадек учиб-қўниб, ўрмалаб бизнинг маррамизга яқинлашиб келаётганини тасаввур этиб, қўндоқни бармоқларим билан қаттиқ қисдим, беихтиёр Сергей томонга қарадим, у ҳам мен каби бирон нарсани кўрган ё тасаввур қилганмикан? Сергей чўнтак дафтарчасидаги ўртасида кичик соат бўл-ган бир қаватли ўйнинг расмини берилганча завқ билан чизиб, ширингина жилмайиб қўярди. Қизиғи, у менинг фикримнинг аксича, курагини хандақнинг душман тарафдаги деворига тираганча расм чизарди. Душманни чигиртка-ю қумурсқадек тасаввур қилишим эса сабабсиз эмас эди. Чунки Гермони фашизмнинг Оврупони, Африкадаги мамлакатлар-ни эгаллаш мақсадида ҳисобсиз қўшин тўплагани ҳақида газетада ўқигандик, радиода эшитгандик, лексиялар тинглагандик. Фашистларнинг қон маст қилган сон-саноксиз лаш-қари аллақачон қанча катта-кичик мамлакатларни забт этиб улгурганди.

Эгилиб, танкотаримни нишонга тўғриладим. Менинг нишоним бўм-бўш майдон эди. Қанийди фақатгина мана шундай бўш ерни нишонга олаверсам, асло тирик жонни эмас. Ахир ноҳақ қон тўкиш гуноҳ. Мен оқ-қорани таний бошлаган пайтимдан бошлабоқ ота-онам, катталардан бу гапни эшитиб келардим. Бизнинг расмимизда ноҳақ қон тўкмай-дилар, бу гуноҳи азим саналади. Одамларимиз асрлар давомида бу ҳикматни қулоқларига сирғадек тақиб олишган. Ҳа, сирғадек! Лекин ҳозирги ҳолатда нима қилиш зарур? У, яъни фашист бизнинг жонимизга қасд қилиб келяпти, ноҳақ қон тўкмоқда, нима унинг бу разиллиги ва гуноҳларини кўра-била туриб, яна сабру тоқат қилайликми? Балки ана шу сабру тоқат оқибати боис тожик шуҳратли Сомон давридан буён, атрофдаги қавмларни ҳам илм олиш, маданиятни ўрганишга чорлаган барқарор ҳикмат, барқарор давлатдан сўнг қайтиб салтанатга келмади. Чунки у тинчлик ва осойишталик, илм олишни истарди, асло қон тўкиш ва талончиликни эмас. Нега бирданига миямга бу фикр келди? Қизиқ, кейинги йилларда бош-кети йўқ бу фикрлар мени тинч қўймайди. Гоҳида бу ўйлар қаъри-га ғарқ бўламанда, ўзимча хулосалар чиқаришга уриниб, сув тубидан қутуламан. Ҳар бир саволимга жавоб топгандайин бўламан.

Сергей ҳалигача чизган расмига тикилганча, баъзан унга нималарнидир қўшиб қўярди ва

лабида жилваланган табассум узундан-узоқ меҳмон бўларди.

- Сен илгари расм чизмасдинг-ку? – дедим Сергейнинг қўйин дафтарчасига қараганча.

У мен томон қиё боқди-да, чизган уйининг ортига бир сершоҳ, тарвақайлаган дарахт-ни қўшиб қўйди.

- Сергей, нега даминг ичингга тушиб кетди? Ё мендан хафа бўлдингми? – дедим синовчанлик билан.

- Нега хафа бўлар эканман?

- Сен бундай эмасдинг-ку? Тўғриси айт, нима бўлди? Агар мендан ўтган бўлса...

- Топган гапингни қара, - Сергей гапимни бўлиб, чуқур нафас олди. Сўнгра менга худ-ди бошимдан оёғимгача текширмоқчидайин узундан-узоқ тикилди-да, деди. – Биласанми, Мардон, бундан илгари ҳеч нарсага парво қилмасдим. Ўзимча хайр, нима бўпти, уч-тўрт соат жанг қиламизда, тамом, деб ўйлардим. Лекин уруш сўзини эшитиб, хушим бошим-дан учди. Ишон, фашист биз билан урушади деб ўйламасдим. Бизнинг кучимизни ҳисобга олиб, бу йўлга кирмайди, дердим. Мардон, бу уруш бир-икки ойлик уруш бўладиганга ўх-шамайди. – Сергей менга яқинроқ келиб, ярим товушда гапира бошлади. – Ҳеч кимга айт-магандим, энди сенга айтаман. Чунки қиз бола ва севги борасида гапиришни ёмон кўра-ман. Мен бир қизга ваъда берганман, биласанми, ваъда! Энди бу урушдан менинг тирик қайтишим... Эҳ, сен буни билмайсан!

Сергей умидсиз қўл силтади ва яна ўша чизаётган расмига тикилди.

- Сергей, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди! Бошимизга нима келса, энди тақдиримиздан деб биламиз, - мен оҳиста, мутафаккирлардек сўзлаб, Сергейни оғир ўйлардан қутқаришга уриндим.

- Тақдир дедингми? Мардон, қара, - Сергей чизган расмини бурнимга теккизгудайин кўрсатди, - мен у билан мана шу уй олдида туриб хайрлашгандим. Надя, аскарликдан қайтаман ва сенга уйланаман, дегандим. Сени оламан, дея сўз бергандим.

Сергей ўта ҳаяжонга тушиб сўзлай бошлади. Мен ўзимнинг ғамимни, ўй-хаёлимни унутиб, унга қулоқ тутдим. Унинг сўзлари алам ва ғамга тўла эди. У менга қараб гапирар экан, гўё унинг мушкулини шу дамнинг ўзидаёқ ҳал қилиб беришим мумкиндай эди.

У ўша Надясини унга уйланиш учун никоҳ уйига олиб кетаётган дамда бир йигитдан тортиб олган экан. Икковлон хўп дилдан гаплашиб сўнг аҳду паймон қилишибди. Энди Надя кеча-ю кундуз Сергейнинг йўлига кўз тикармиш. Чунки бўлаётган тўйи бузилган қиздан ҳамма юз ўгирган, битта ўзи, ёлғиз қолган экан. Сергейнинг бу урушда мўъжиза-дан бошқа нарсага умиди йўқ. Тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бир мўъжизага!

- Уйга эсон-омон қайтсам, қандай яхши бўларди. Агар бир қўл, бир оёқда қайтиб борсам ҳам, унинг учун фожиа. Тушунасанми, Мардон, фожиа! Чунки агар мен уни йўлдан урмаганимда балки ўша йигит билан бахтли бўлармиди, - Сергей кўзларимга ўйчан боқ-ди. – Ана энди билдингми, уруш сўзини эшитиб, нега ғамга ботганимни. Ўзим учун эмас, асло ўзим учун эмас, балки ўша менинг йўлимга кўз тикиб ўтирадиган қиз учун қўрқаёт-ганимни тушундингми энди?

Иккимиз бир неча лаҳза бир-биримизга тикилганча жим қолдик. Худди суратчи бизни суратга тушираётган пайт, у «қимирламанглар», «киприк қоқманглар», деётган каби қот-гандек турардик. Мен Сергейнинг дарду ҳасратини эшитганимдан сўнг уни оғир ўй-хаёл-лар исканжасидан чиқариш ниятида бир-икки оғиз тасалли берувчи сўз айтмоқчи эдим. Лекин тилимга бир сўз келмасди, нега бундай ҳолатга тушаётганимни ўзим ҳам билмас-дим.

Баталон командирининг «Яшанглар, шерйигитлар, яшанглар» деган таниш овози биз-ни

ўзимизга келтирди. Командир, унинг ортидан Алёхин олдимизга келиб, биз қазган хандақдан тўғридаги майдонни бошдан-оёқ кузата бошлашди.

- Машқларда ўзингизни қандай кўрсатган бўлсангиз, худди ўшандайин заррача кўрқ-майнетмай душман танқларини янчиб ташлайверинг, - Желтов қадини ростлаб, кўл-ларини елкамизга қўйди. Кўринишидан у иккимизни қучоғига олмоқчидек эди. – Фашистнинг башарасига ўхшатиб туширинглар, кўзидан ўт чиқиб кетсин. У лаънати менинг лочинларим билан юзма-юз келмоқ қанақа бўлишини бир умр эсидан чиқармасин.

Мен биринчи марта баталон командирининг чеҳрасига, кўзларига яқиндан боқдим. Унинг юмалоқ, осмонранг кўзларида ўткир бир ҳаяжон балқланарди ва у ҳиссиётларини аскарлардан яшириш мақсадида руҳларни кўтарувчи ҳазил сўзларни топиб айтарди.

- Юзма-юз бўлдикми, иккисидан бири, ўртоқ баталон командири, - деди Сергей зўрға жилмайиб. - Ё биз уларни янчиб ташлаймиз, ё улар бизни.

- Жангчилар Ризаев ва Орловдан менинг кўнглим тўқ, ўртоқ полковник, - деди биз томон кўз қисиб Алёхин.

- Орлов, менимча сен шаҳарлик шерийгитга ўхшайсан, - деди Желтов Сергей томон синовчан боқиб. – Қаердан бўласан?

- Псковданман, ўртоқ баталон командири.

- О-о, Псков халқи қадимдан жасур ва кўрқмас бўлган. Орлов, буни ўзинг ҳам биларсан? Сергей елка қисиб, Желтовга саволчан қаради.

- Лекин ефрейтор Ризаев билан биз икков ҳамшаҳармиз, - деди мен томон кулиб қаранганча Желтов.- Ишонасанми?

- Ҳамшаҳармиз? – қувончимдан лабларимни йиғиштира олмадим.

- Ҳа, жангчи Ризаев. Истасанг, мени синаб кўришинг мумкин, - Желтов бир зум ўйла-ниб туриб, бир неча тожикча сўз айтди. – Ана, эшит... нон, об, ду-у... қандай эди? Ҳа, духтар! Хўш, тўғри айтдимми?

- Ҳа, Худо ҳақи, биларкансиз, ўртоқ баталон командири, - мен унинг сўзларини тасдиқладим.

Кутилмаган бу учрашув ва суҳбатдан мен ҳаяжонга тушдим.

- Сиз Тожикистонни қаердан биласиз, ўртоқ полковник, - тоқат қилмасдан сўради Алёхин.

- Э-э, бунинг қиссаси узун. 1924 йилдан 1929 йилгача мен Самарқанд туманида хизмат қилардим, хотиним эса, Ҳисорда. Ўзим учун зарур бўлган бир неча тожикча сўзни Самарқандда ўрганганман. Самарқанднинг ажойиб бир тўкин-сочин бозори бор, - полковник чеҳраси ёришиб, ёқимли ҳиссиётларга берилганидан пастки лабини тишлаб, бош тебрат-ди. – Ишонинглар, ҳозир ҳам Самарқандни, унинг кўзларни қамаштирувчи бозорини тушимда кўраман. Ажойиб бир шаҳар, худди эртакка ўхшайди. Хайр, лочинлар, суҳбат боқи! Ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан кўрқманглар! Душманни нафас ростлашга ҳам қўйманг-лар.

Желтов бу гапларни айтгач, тезда бошқа аскарлар олдига ўтиб кетди. Мен анчагача унинг юзини кўз олдимга келтириб, ўйга ботдим. Баталон командири тожикча сўзларни тилга олгач, менинг хаёлим туғилган юртим томон учуриб кетди. Уруш бошлангани ҳақи-даги шум хабар бизнинг одамларимиз қулоғига ҳам етиб борганмикан? Айтишади-ку, ёмон хабар ҳаммадан тез тарқалади деб. Балки қишлоқдаги эркак-аёллар қалъа ёнидаги азим чинор тагига тўпланишгандир. Чунки бирон катгароқ тантана бўлса, фақат қишлоғи-миздан эмас, атрофдаги катта-кичик манзиллардан ҳам одамлар тўда- тўда бўлиб шу чинор тагига оқиб келишади. У ерда қанд-курс, турли-туман рангдаги бозоргир матолар дўконлари кўп эди.

Эрта саҳардан дўконлар очилар, атрофи одамга тўларди. Қачон қара-манг, тиззасигача келадиган оппоқ янги калта яктак кийиб юрадиган хушмўйлов озғин чойхоначи ана шу пайтларда янада чаққон, хуштакаллуф бўлиб қоларди. Чинорнинг одам қўлларини, бармоқларини эслатувчи шохларининг ҳар ер-ҳар ерига каклик ва бедана солинган қафаслар осилганди. Чойхонага кирганимда ҳар гал менга таниш каклик қафаси осилган ерга яқин катни танлардим. Бу каклик бошқа какликларга қараганга хушёрроқ, чиройлироқ, қанотлари, патлари ажиб бир товланаётгандек кўринарди. Какликнинг ёқим-ли сайраши бутун атрофни тутиб кетгандек бўларди. Одамлар анчагача унинг овози таъсирида жимгина ўтиришарди. Назаримда ҳатто улуғ чинор ҳам какликнинг овозини эшитганда бошдан-оёқ силкинишга тушарди. У каклик соатлаб ором нималигини билмас-ди, кўкрагини, чангалини, тумшуғини қафас деворига урарди. У ўзини қанчалик қаттиқ ураётганини кўриб ҳозир фақат қафасни синдириб ташлабгина қолмасдан, уни ўзи билан осмонга ўқдек учуриб олиб кетади деб ўйлардим. Мен бу томошага сира тўймасдан как-лик қафасига яқинлашардим ва унинг атрофида айланардим. Мен какликнинг маст бўлган чиройли кўзларини янада яхшироқ кўришни истардим. Хаёлимда какликнинг чиройли кўзларидан ўзга бирон жозибали нарса йўқ, кўкламнинг барча чиройли ранглари унга жойлаштирилгандайин эди. У сайроқи қушнинг ана шу маст кўзлари ширин бир хотира-дек бир умр кўз ўнгимда қолган экан.

Балки ҳозир қалъа ёнидаги ўша азим чинор тагига ғамдан ўртанаётган, кўнгиллари аламга тўла эркалар, аёллар йиғилишгандир, ўша хушмўйлов, озғин чойхоначи уларнинг ҳар бири олдига чой олиб бориб қўяркан «дунёнинг ғамлари, фалокатлари меҳмондайин бир гап, жигарим. Келади ва кетади», деётгандир. Ҳамманинг кўнглини кўтараётгандир. Балки қубодиёнлик у чойхоначининг кўнгил кўтаришлари тагида бу уруш икки-уч кун давом этади ва яна тинчлик ҳукм суради, деган маъно бордир. Нима бўлмасин, мен чой-хоначи тилидан ўзим айтаётган бу гапларни мақсадимга кўра ясаб олдим. Қанийди, уруш қисқагина олишувлардан сўнг тугаса, қанийди! Лекин командирлар ва аскарларнинг таш-вишга тушганликлари, хавотирликларини кўриб, бош-кети йўқ ўйларимдан халос бўлиш-га уринаман. Чегарада бирон чора кўриб қўймасликни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳеч бир мумкин эмас. Ўртоқ Сталин бу можарони тезда бирёқли қилади. Қизик, нега можаро деяпман? Ана душман учоқлари яна бизнинг ўнг тарафимиздаги ўрмон устидан учиб ўтишди. Бу гал ҳам уларни диққат билан кузатдим. Ўша ваҳимали тўртбурчак белгилари осмонга ғам-аламли қора чизиқларни тортиб кетгандек. Узоққа отувчи тўплар гумбурлашлари ва портлаш товушлари тобора яқинроқдан эшитиларди. Қандайдир бир ўхшаши йўқ бир куч улкан катта болға билан атрофдаги ерни янчиб-янчиб биз томон яқинлашар-ди гўё. Тоқатсизлик билан яна чўнтак соатимга қарадим, еттидан йигирма дақиқа ўтган-ди, билмадим, нимадан, юрагимда бир умид уйғонди, назаримда вақт қанчалик тез ўтса, уруш биз томонга яқинлашиб келмайдигандай эди. Ватан, туғилган ер хотирасини хаё-лимда яна бир марта жонлантиришни истардим, ғулғула тўлган орзуларим торини чер-тиб, исёнга йўғрилган наволарни осмонга учуришни ўйлардим. Мен бу наволарнинг уруш истовчи тошюрак одамлар қалбига таъсир этишини ва уларнинг инсофга келтиришини ис-тардим. Ўзимнинг имкони йўқ бу хаёлимдан ўз-ўзимдан табассум қиламан ва Саъдий-нинг «Бани одам аъзои бир бадандир» деган ҳикматини Сергейнинг эсига соламан. У ав-валига маъноли жилмаяди, сўнгра ўта ғазабланганидан кўзлари ёниб, танкка отувчи қуролига узоқ термилиб қолади ва норози бош чайқайди.

- Бизнинг орзу-умидларимизни энди аждаҳо домига тортади, - Сергей қаҳрга тўлиб қўл силтади.

- Бизда ёмон кучни Аҳриман дейишади. Балки сен буни Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си-да ўқигандирсан, мен унинг сўзларини бир қадар қувватламоқчи бўлдим.

Сергей аввал манглайини кафти билан силади, ўйга чўмди ва хотиржам, бепарвогина кўзларимга тикилганча деди:

- Йўқ, ўқиган эмасман, эшитганим ҳам йўқ.

Мен Сергейга халқимиз мифологиясини яратишда, ўтмишимиз ҳақидаги катта-кичик асарлар руҳини яратишда катта таъсир кўрсатган «Шоҳнома» тўғрисида, ундаги яхши ва ёмон кучлар борасида ўқиганларим ва эшитганларимни билганимча ҳикоя қилиб бермоқчи бўлдим. Лекин у пайтда унинг на гапиришга, на эшитишга истаги йўқлигини сезиб, оғиз очмадим.

Тўртта учоқ ўрмон устида пастлаб, бизнинг тепамиздан ўтиб кетди.

- Йигитлар, бургутчаларим, Худо ҳақи, улар бизники, - Гаврилин тўппончасини бошининг атрофида айлантирганча қувончидан қичқирди.

- Бизникилар ҳам марҳамат, хуш келибсизлар, чақирилмаган меҳмонлар дебон, жим-гина ўтиришмас, - Алёхин жангчиларга маъноли қаради.

Қизил юлдузлари аниқ кўриниб турган бу тўрт кўкиш самолёт тоза шамолдек менинг губор босаётган ўйларимни тозалаб ўтди. Мен Сергейга қараб беихтиёр жилмайдим. У ҳам мен каби ўй-хаёлда эканми, юзига қувонч тўлиб боққанча хандакнинг бир четидан нам тупроқни кўлига олди, бармоқлари орасида каттиқ эзиб, юмалоқлади. Юмалоқлан-ган лойни хандак устига қўйиб, ажойиб бир нарса ясаган ҳунарманд каби ундан кўз узмас-дан томоша қилди. Ўрмон четида бир отлик отини чоптирганча келиб, дивизия командири қароргоҳи олдида тўхтатди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан генералнинг чопари батало-нимиз турган ер томон чопганча келди.

111

Менинг нигоҳим гоҳ экинзор бўйлаб, гоҳ ўрмон устидаги уфқда кезинарди. Худди ана шу фурсатда ширин-ширин орзуларимни аччиқ армонга айлантирадиган даҳшат билан ҳадемай юзма-юз бўлиш фурсати тобора яқинлашаётганини ҳис қила бошлайман. Чўзиқ ўрмон томондан экинзор томон бораётган тўп тортиб олган тўртта арава кўринади. Ҳар бир аравани иккитадан от тортиб борарди. Аравакаш аскарлар ҳай-ҳўйлаганча отларга қамчи уриб чоптириб, баталонимизнинг мудофаа девори ёнидан ўтиб кетишди. Экинзор ёнидаги пастроқ тепаликка етиб боришгач, тўпларни аравадан ажратишди. Негадир лей-тенант Алёхиннинг хандақда у томон-бу томон тоқатсизланиб юриши менга қафасдаги шерни эслатди. У гоҳида қаршисидаги майдонга қараганча бир неча лаҳза ўйга чўмиб қолар ва яна у томон-бу томон қадам ташлашга тушарди. Биз душман келишини кутаётган ердан бир юз эллик-икки юз метр нарида, қалин ўрмондан четроқда ёлғиз бир дарахт кўзга ташланарди. Менинг назаримда у дарахт майдоннинг ўртасига чиқиб душман куч-ларини азму матонати билан тўсиб қолиш ниятида турган жасур паҳлавонга ўхшарди. Қанийди бу ёлғиз дарахт мен тасаввур қилган кучга айланиб қолса.

- Жангчи Орлов, нима сен калима ўгирияпсанми? – бақирди лейтенант Алёхин. – Иккинчи бу туришингни кўрмай!

Сергей душман келиши мумкин томонга орқасини ўгирганча турарди. У мен томон юз ўгирганча совуққина жилмайди.

- Афтидан Орлов душманга кетини кўрсатмоқчи шекилли, ўртоқ лейтенант! Сенлар-нинг урушларингни ана шунимга олмайман, демоқчи, - деди қаҳ-қаҳлаб кулганча сер-жант

Ломидзе.

Баталон командири Желтов хандақ ўртасида қаддини тиклаганча дурбинда бир нуқтага узоқ тикилиб қолди. Узоқдан ҳар ер-ҳар ерда чанг кўтарилиб, шамол уни даштнинг тўрт томонига сочарди. Қўққисдан ўрмон ортида, ўша ёлғиз дарахт қаршисига бир нечта танк отилиб чиқди. Танклар дарахтни йиқитиб, тўғри баталонимиз томон қараб кела бошлади.

- Ана, ана қаердан пайдо бўлишди. Бизнинг лочинларимиз учун етита танк ҳеч гап эмас, - деди баталон командири овозини баландлатиб, – хайр, қани яқинроқ келишсинчи? Баталон, жангга тайёр бўл!

Шу дамда мудрофаамизнинг ўнг томонидан кетма-кет тўпларнинг гумбурлаган овози янгради. Бу ҳалигина экинзор ортида аравалардан ажратиб қолдириб кетилган тўплар овози эди. Танклардан нарироқда атрофни снарядлар портлашидан тутундек кўкка кўта-рилаётган чанг-тўзон эгаллади.

- Нега отишяпти? Ҳали танклар узоқда-ку? – жаҳли чиқиб бақирди Алёхин.

- Аблахлар, иш пачава бўлди. Ўзларини билдириб қўйишди. Қўрқоқлар, улар қаерда таълим олишган бўлса?! – Желтов кўзини дурбиндан олиб, ерга туфлади.

Танклар экинзор бўйлаб новга ўхшаш ерда тизилиб, бирданига ҳаракатдан тўхташди. Ўртадаги танкнинг қопқоғи очилиб, ундан қора кийган бир тана бош кўтарди. Биз турган ердан анча узоқда бўлсада, қора кийинган одамнинг атрофни дурбин билан кузатаётгани маълум эди.

- Ўртоқ баталон командири, рухсат беринг, мен уни... - қайси бир аскарнинг овози эшитилди.

- Ўзбошимчалик қилма! – Желтов унинг гапини бўлиб ташлади, - у бу ердан узоқда, ўқинг хато кетади.

Танклар ҳалигача турган еридан силжимасди. Афтидан бизнинг эгаллаган мавқемиз-ни тузукроқ ўрганишмоқчи эди. Ўзимча ўнг тарафдаги учинчи танкни танлаб, нишонга олган бўлдим. Бу ниятимдан Сергейни ҳам огоҳлантирмоқчи эдим, лекин андиша қилдим. Бордию, бизнинг турган еримизга ҳужум қилишса, бошқа бир танк олдинроқ юриб, бизнинг қуролимизга тўғри келиб қолар. Лекин барибир узоқда бўлса-да ўша кўз остимга олган танкни нишонга олганча туравердим. Ё тавба, бирданига юрагим тепиб, куракларим-да чумоли ўрмалагандайин бўлди, оёқларим мадорсизланиб, тиззаларим қалтирай бошлади. Вужудимни қоплаган қаттиқ қўрқув ва ваҳимадан ўз-ўзимдан нафратландим. Тезда қурол ёнидан туриб, қуролдошларим томон боқдим, менга қувват бўлишар деб ўйладим. Баталон командири дурбиндан кўзини олмасдан ҳамон ўша қора кийимлининг туришини диққат билан кузатарди. Алёхин кўм-кўк ўт шохчасини лабларига қисганча индамай турарди. Хандақ девори ёнида ҳар ер-ҳар ерда гранаталар қатор турарди. Сергей эҳтиёт юзасиданми, уларнинг бирини кўлига олиб, девор устига - ўзининг олдига қўйди. Мен ҳам унга эргашдим.

- Ё бизни назарлари илмаяпти, ё биздан қўрқишди, - деди Сергей. - Қара, худди онасининг уйига келгандайин туришибди.

- Фашистларнинг урушиш усули шундай бўлса керак, - ўзимни хотиржам кўрсатиб, жавоб бердим.

Қаршидаги ўрмон томонда бир тўда самолёт кўринди.

- Бекининглар! Тез бекининглар! – Желтов баланд овозда буйруқ берди.

Худди олдингидай мен хандақ деворига жипслашиб, пичирлашга тушдим: «илоҳо, кўзлари кўр бўлсин!» Шундайгина тепамизда уоқларнинг қулоқларни кар қилгудайин овози баландлашиб, атрофимизга ўт ёғдирди. Гўё хандақлардан қазиб четга ташланган тупроқ-

ларни кимдир қайтадан юз-кўзимизга сочи. Портлашлар, ўқ отишлар кучайгандан-куча-йиб, энди на кимирлашга, на атрофга кўз ташлашга имконимиз қолмади. Бир қўлим билан бошимни паналаганча, кўзларим юмуқ, устимиздан ваҳима солганча таҳдид солиб ўтаёт-ган самолётларнинг гуриллашидан ўзимча уларнинг қанчалигини тахмин қилардим. Учоқ-лар атрофдаги тупроқларни устимизга сочиб, мудофаа деворимизни бузиб бўлишгач, яна ўрмон томонга қайтиб кетишди.

- Баталон, жангга тайёрлан! - Желтов буйруқ берди.

Узоқ-яқиндан «жангга тайёрлан», «жангга тайёрланишлар» буйруқлари эшитиларди. Бошимдаги, танамдаги чанг-тупроқни қоқиб ташладим. Чанг-тўзон, қуюқ бир тутун атрофни тутиб кетганидан қаршидаги майдонни яхшироқ кузатиш қийин эди. Еттита танк аллақачонлар ҳаракатга тушган чоғи олдингига қараганда яқинроққа келиб қолганди. Шу пайт қаттиқ шамол эсиб, чанг ва тутунни майдоннинг чап томонига ҳайдаб кетди. Энди қаршимиздаги майдонни аниқроқ кўриш мумкин эди. Еттита танк ортида тахминан тўрт юз эллик-беш юз метр нарида яна қатор-қатор танклар кўзга ташланарди.

- Мардон ўқни беҳато отишингни сўрайман, - деди мен томон қайрилиб Сергей илти-мос оҳангида.

- Қайси бирини урасан, - мен бошим билан танклар галасига ишора қилдим. – Агар тўплар уларнинг йўлини тўсмаса, ҳолимиз нима кечишини Худо билади.

Ҳар икковимиз беихтиёр бараварига бундан сал олдинроқ анча узоқдаги танкларни ўққа тутган тўплар томонга қарадик. Ўша тўрт тўпнинг фақат иккитасининг олдида ас-карлар ғимирлашарди. Афтидан, иккита тўпни фашист самолётлари одамлари билан ер билан битта қилганди.

Танклар тез суръатларда биз томон қараб кела бошлади. Гўё уларнинг ҳар бири бошқалардан илгари маррага етмоқликни истарди. Ўнг томонда, дивизия командири қароргоҳи яқинида яна тўпларнинг гумбур-гумбур овози баландлашиб, танклар атрофида чанг-тўзон осмонга ўрлади. Сал ўтмай, ҳалиги икки тўп ҳам ўт очишга киришди. Аммо менинг назаримда танкларга ҳеч бир зарар етмасдан олдинга томон қараб келишарди. Нега беҳуда отишади, нега ўқлари хато кетмоқда? Мен ваҳимали хавотирга тушганча бошимни кўта-риб, уруш майдонига кўз югуртирдим. Иккита танк турган ерида айланар, учинчиси ўт ол-ганди.

- Жангчи Ризаев, ўт оч, от! - бирдан ортимдан Алёхиннинг овози эшитилди.

Чанг ва тутун орасидан битта танк ўрмалаб чиқиб, биз турган томон кела бошлади. Мен уни нишонга олиб отдим. Ўқим тегмаганини кўриб, яна отдим.

- Сенга нима бўлди, у лаънати бизни ҳозир мажақлаб ташлайди, - Сергей ҳовлиққанча бақирди.

Қизиқ, нега яқингинада туриб ўқим мўлжалга тегмаяпти? Назаримда танк тобора катталашар, биз томон бостирганча келарди. Энди унинг тўртбурчак манфур белгиси кўзга аён ташланарди. Ана яна отдим, яна... танк ғуриллаганча жойида тўхтаб қолди.

- Нишонга тегди, - кимнингдир овози зўрға қулоғимга чалиниб, Сергейга қаноатлан-ганча қарадим.

Сергей ҳеч нарса демасдан танкотар қуролга яна ўқ жойлади. Энди битта танкни отиш-га бешта ўқ сарфлаганим эсимга тушди. Танк ҳалигача ғуриллаганча турган ерида айла-нарди. Баталонимизнинг қаршисида орқама-кетин келаётган сон-саноқсиз танклар кўрин-ди. Мен назаримда мудофаа чизимизга яқинлашиб қолган танклардан бирини яна нишонга олдим. Билмадим, негадир ҳов ўшанда миямга келган бир фикр яна қайталанди – хайрият, мен тирик жонни эмас, темирни нишонга оляпман. Агар бу уруш майдони ва бундан кейинги жанглар

ҳам худди ҳозиргидай бўлса, айни менинг кўнглимга мос туша-ди. Фақат жонсиз жисмларни ўққа тутамиз. Чиндан ҳам на узоқда, на яқинда душманнинг бирон аскари кўзга ташланмасди. Наҳотки уларнинг пиёда аскари бўлмаса, бу қанақаси бўлди? Ё аскарларимиз ҳалок бўлишмасин, яраланмасин, дея аввалига ҳаммаёқни янчиб ташлаб, сўнг уларни ҳужумга ташлашнинг янги усулига ўтишганмикан? Нима бўлганда ҳам уларнинг бу иши менинг кўнглимдагидек, айни кўнглимдагидек. Мен жонсиз жисмни нишонга оляпман.

Мен нишонга олган танкнинг ортида кетма-кет икки портлаш юз берди. Лекин у танк чанг-тўзон пардасини ёрганча, бир маромда олдинга интиларди. Тепкини босдим. Билмадим, ўқим нишонга тегдими, ё ҳалиги портлашлардан зарарландими, танкнинг орқасидан қуюқ тутун кўтарилди. Бошқа танклар олдинга ўтишди. Эҳтиёт бўлганча бошимни кўта-риб, уруш майдонига қарадим ва назаримда ҳаммаёқни эгаллаган қуюн, чанг-тупроқ тўх-товсиз ёғилганча биз томон бостириб келаётганди. Чанг-тўзон ва тутун орасидаги қатор-қатор танклар улкан туятошларга ўхшаб кўринарди. Гўё тупроқ сели йўлида учраган танкларни чангаллаб ўтиб, ўзи билан олиб келаётгандайин эди. Тожикистон тоғларида баъзан ўз-ўзидан, баъзан қаттиқ зилзила юз берган пайтлар тоғ камарлари, ёнбағирлик-лардан тош-тупроқ кўчади ва даҳшатли бир селга айланиб, шовқин солиб оқаётган дарё-лар йўлини тўсиб кўяди, ё экинзорлар, қишлоқлар устига ёприлиб, одамларга катта зарар келтиради. Менинг назаримда ҳозир дашт ялангликларида худди ўшандай бир кўчки-сел йўлида учраган яшнаб турган экинзорларни янчиб ўтиб, бизнинг жонимизни суғуриш учун ошиқаётганди. Умримнинг вақт-соати етган экан, энди бу балойи азимдек қуюндан қутулишнинг йўли йўқ...

- Орқага қайт, қуёнюрак, аблаҳ! – кимнингдир овози қулоғимга чалинди.

Бир жангчини оёғидан тортиб хандаққа туширишди. Ҳамма бир зум қотиб қолганда-йин, жимгина даҳшатли селнинг бостириб келишига қараб қолди. Балки шу лаҳза кўпчи-ликнинг ўйидан агар бирон қудратли куч ё мўъжиза бу балонинг йўлини тўсмаса бу ҳолатда унинг чангалидан қутулишнинг иложи йўқ, деган фикр ўтаётгандир. Баталоннинг чап ва ўнг томонларидан тўпларимиздан отилаётган ўқлар авжига чиқди. Мен қуролнинг қўндоғини елкамга тегизиб, чанг-тўзон орасида элас-элас кўзга ташланаётган танкни нишонга олдим.

- Гранаталарни тайёрланг! Лочинларим, нишонга бехато уринг, бехато! – баталон командири олдимизга келиб буйруқ берди ва комиссар Черненко билан бирга қисмининг бошқа томонига ўтиб кетди.

- Гранаталарни тайёрланг! – лейтененат Алёхин Желтовнинг буйруғини такрорлади.

Танкларнинг гуриллаши, тўпларнинг гумбурлаши, снарядларнинг портлаши бир-бири-га араллашиб кетганидан даҳшатли бир ғулғула пайдо бўлди. Назаримда ер ағдар-тўнтар бўлаётганга ўхшарди. Билмадим, балки кўрқувданми, ё буйруқ таъсирими, бундай қара-сам, қўлимда граната, бир сакраб, хандақ тепасида турибман.

- Жинни бўлиб қолдингми? – Сергей оёғимдан тортганча бақирди. – Битта ўқ отмасдан ўзингни танк занжири тагига ташламоқчимисан? Кўрмаяпсанми, танк қанча узоқда, улоқ-тирган гранатанг етмайди.

Сергейнинг бўздай оқариб кетган бети, косахонасидан чиққудайин кўзларини, унинг ҳаяжондан титраётганини кўриб, кимдир бошимдан совуқ сув қуйгандайин ўзимга кел-дим. Сергейни шу пайтгача бундай ҳолатда кўрмаганим учунми, раҳмим келди.

- Сергей, сенга нима бўлди?

- Мен сендан сўрамоқчийдим. Бир башарангни кўрсанг эди.

- Ҳеч гап эмас, ўқни узат!

- Нишонга олавер, қуролга аллақачон ўқ жойлаб қўйганман.

Энди Сергейнинг назарида мен ҳам унинг ҳолатидаги каби кўринганимни тасаввур қилдим. Баталоннинг танкотар қуролларидан отилган ўқлар овози аранг бўлсада, биринкетин қулоғимга эшитила бошлади ва мен ҳам шошганча битта танкни нишонга олдим. Ўқ отдим, яна... лекин назаримда чанг ва тутун пардаси биз отган ўқлардан душман танкларини асраётгандай эди. Тупроқ кўчкиси (бу манзара ва бу даҳшатни шундай атаганим тўғрироқдир) йўлида учраган ҳамма нарсани домига тортганча биз томон бостириб келарди. Бир неча аскар олдинга отилиб, граната ирғитишди. Битта танк турган ерида икки-уч айланиб, биз томон милини тўғрилади. Хандақнинг чап томонида қаттиқ портлаш юз берди ва гўё устимизга осмондан нам тупроқ ёғилди.

Ана, яна портлаш, қизиқ, уруш майдонининг орқа-олдини ажратиш қийин бўлиб қолди. Қарасам, Сергей қоматини тиклаганча граната ирғитди ва шошганча танкотар қуроли ёнидан бошқа граната олди.

- Сен отавер, мен уларнинг йўлини тўсаман, - деди у менга.

Сергей беш-олти қадам чошиб бориб, биз томон келаётган танкка қараб граната отди. Танк ўт олиб, жойида тўхтаб қолди. Сергей чаққонлик билан хандаққа сакраб тушди. У ҳали қадини тиклашга улгурмасдан биз турган ернинг чап ва ўнг томонидан бир неча немис танки хандақларни бузиб ўтиб кетди. Уларнинг ортидан бошқа танклар тўдаси кўринди. Худди даҳшатли тўлқин ортидан янада даҳшатлироғи бостириб келаётгандайин эди.

- Ортга, ўрмонга чекинишлар! – Желтовнинг қичқириғида изтироб сездим. – Баталон, тезроқ бўл! Менинг ортимдан... ўрмонга!

Орадан бир неча лаҳза ўтганди, кўққисдан ўзимни шундайгина ўрмон қаршисида немис танклари орасида кўрдим. Қизиғи, улар билан бирга биз ҳам ўрмон томон чошиб борардик. Мақсадимиз тезроқ паноҳ топиш эди. Лекин энди танкларга бизнинг бор-йўқ-лигимиз барибир эдими, новга ўхшаш ер бўйлаб келаверишди. Уларнинг мақсади бизнинг катта машина йўлига чиқиш ва кучларимизнинг чекиниш йўлларини тўсиб қўйиш эканлиги кўриниб турарди.

Югурганча ўзимизни ўрмонга урдик. Мен шу тариқа ҳалиги тупроқкўчки комидан нажот топадигандайин ўзимни қалин буталар тагига олиш учун қўлимни оёғимга олганча жонҳолатда югуриб борардим. Ортдан танкларнинг гуриллаши ва ўқ овози тўхтовсиз эшитиларди.

- Баталон, менинг ортимдан, менинг ортимдан! – Желтовнинг бўғиқ ҳолсиз овози аранг эшитилиб, чап тарафга юз ўгирдим ва полковникнинг қийналганча базўр чошиб бораётганини кўрдим. У ҳаммани ортидан боришга чорларди.

- Жангчи Гаврилин, ортда қолма! Хушёр бўлинглар, лаънатилар бизни ўраб олишмоқ-чи, - ортдан Алёхиннинг овози янгради. – Ҳамма комбатнинг ортидан!

Қалин ўрмон ўртасига етганда баталон командири бизни тўхтатди. Атрофимдагиларга қараб, кўнглим ўртаниб кетди. Ҳамма оёқ-кўлидан қувват қочгандайин турар, бир-бири-нинг тупроқ босган, қон юқи кўринишига кўмак кутгандайин тикиларди. Ўт-олов, даҳ-шатли қуюн орасидан чошиб ўтиб, омон қолган, ўрмондаги пана ерга етиб келганлар бор-йўғи бир юзу олти нафар эдик. Баталондан қолган кичик бир қисм. Наҳотки биринчи оли-шувдаёқ шунчалик аскардан ажралган бўлсак?! Йўқ, ишонмайман! Балки улар ўрмон ичи-да тарқалиб кетишгандир. Ахир бу ерга етиб келгунча қанча ердан ўтдик, душман қур-шовида қолмаслик учун бир дақиқа дам олмасдан чопдик. Билмадим, лекин бу лаҳзада вазиятимизни шундай тушунардим ва менинг тахминим нотўғри бўлмаслиги мумкин эди. Полковник Желтов

тўпланганларга тоқатсизланиб нимадир деди. Лекин унинг сўзлари-дан биронтаси қулоғимга кирмади. Бу ерга етиб келганимиздан кейин ҳар икки қулоғим том битиб қолгандайин эди. Мен яна атрофдагиларга синчковлик билан назар ташладим, худди уларни биринчи марта кўраётган одамга ўхшардим. Сергей қурол ўқдонини ярим чириган дарахт тўнкасига қўйиб, ерга бир тиззасини қўйганча пайтавасини қайта ўрашга тушди. Назаримда ҳаммадан ҳам лейтенант Алёхин кўпроқ ҳайратга тушгандек эди. Тенг-сиз бўлган бу кучли жанг таъсириданми, ё ҳаяжон шиддатиданми, унинг кўм-кўк кўзлари ёниб турарди. Мен бундайин ёнаётган кўм-кўк кўзларни биринчи марта кўришим эди. Алёхин тўппончасини гоҳ-гоҳ қаттиқ ғижимлаганча тоқатсизлик билан атроф-теваракка боқарди. Унинг юзи ҳам оқариб кетганди. Нега сержант Ломидзе кўринмаётир? Уни қаранг, сержантни эслашим биланоқ ўрмондаги дарахтлар орасида кўриниб қолди. Сер-жант тўртта жангчини бошлаб, худди биздек ҳаммаёғи чанг-тупроққа ботганча пишиллаб келарди. Сергейга қулоқларим эшитмаяпти, деган маънода ишора қилдим. Лекин менинг ишорамдан у ҳеч нарсани тушунмади шекилли, қўлимдан қуролни олиб, дарахт танасига суяб қўйди.

Баталон командири саф тортишга буйруқ берди. У хавотирланганча ҳаммага кўз югуртириб чиқди ва биздан узоқроқда, ўрмон четидан ўтган йўл томон қўли билан ишора қилиб, нималардир деди. Энди мен ваҳимага тушдим. Бу қар қулоқларим билан энди аҳ-волим не кечади? Бу оғир кунда шуниси етмай турганди. Сергейга юз ўгириб, кўнгил оч-моқчи эдим, лекин яна ўйга ботдим. Балки қулоқларимнинг эшитмаётганлиги ҳалиги даҳ-шат, кўрқувларнинг таъсиридандир, тезда ўтиб кетар. Шу пайт сафнинг ортида шошгани-ча келаётган дивизия командири ёрдамчиси ва бир аскар кўринди. Қизик, гўё қулоқ-ларим уларнинг келишини кутиб тургандайин овозларни паст-паст эшита бошлади. Худди манқа, ё овози бўғилган одамлар гапираётгандайин аввалига қулоғимга чалинаётган гап-лар тушуниксиз эди.

Тезда йўлга тушдик. Энди танкотар қуролни Сергей икковимиз елкамизга қўйганча икковлашиб кўтариб борардик. Сергей илгаригидек жим эди. Алёхиннинг айтишича бахти-миз келган экан. Биз қуршовдан қутулгандик, лекин фашистлар билан ҳаёт-мамот жанг-лари олдинда экан. Ҳозирча душман чегарадаги асосий кучларимиз билан олишиб, бизни вақтинча ўз ҳолимизга қўяди. Гарангсиз қолган миям энди ишлай бошлади. Қизик, яна ўша даҳшатли майдон кўз ўнгимга келди... Танклар билан бирга биз ҳам шошганча ўрмон томон чопардик, лекин кутилмаганда улар биздан айрилиб, новга ўхшаш ер томон йўл олишди. Уларнинг нияти катта йўлга чиқиб, асосий кучларимиз олдини тўсиш эди. Биз бир йўналишда азим қуюннинг йўлини тўса олмадик. Ҳа, менинг назаримда у худди йўлида учраган ҳамма нарсани босиб-янчиб, олға қараб бораётган қора қуюнга, тупроқ-кўчкига ўхшаб кетарди. Лекин барибир қўлимиздан келганча, оз бўлсада, душманга қар-ши чиқа олдик, уни кучсизлантира олдик-ку! Энди бу бироз ҳолсизланган куч чекинаётган кўшинларимиз йўлини тўсиш учун қаттиқ қаршилиқ кўрсата олмас. Ҳозир биз туш-ган вазиятда ана шундай бир мўъжизага умид боғлардик. Биз қалин ўрмон ичида гап-сўз-сиз, бир маромда олға борардик. Зирҳли машиналар ва самолётларнинг гуриллаган овози узоқ-яқиндан эшитилиб турарди. Худди бир кун олдингидай одам, олам ҳақида ўйлашни истайман, лекин ҳозирги шитоб билан кечаётган, бебошдоқ пайтда бу ниятим амалга ошмайди. Тутун каби шамолда тўзғиб кетади. Нимаданлигини билмайман, биронтамиз бир-биримизнинг кўзимизга қарашга ботина олмаймиз. Менимча, бу дақиқаларда ҳамма мен каби ўйлаётир, яъни баталоннинг чекинишига ҳар бир жангчи ўзини айбламоқда. Балки мен, адашарман, лекин бу фикрнинг миямга бирданига қаердан келиб қолганини билмай-ман.

Агар ҳар биримиз душманнинг биттадан танкини йўлидан тўхтата олганимизда, улар бизнинг мудофаа деворимизни бузиб ўтишлари қийин бўларди. Душман ҳозиргидай тезликда шитоб билан бизни янчиб ўтиб, катта йўлга чиқмаган бўларди. Балки баталонимиз жангчилари миясида ана шу фикр айланиб, руҳий азобланиб, маъюслашиб қолишган ва бир-бирларининг кўзларига қарашга ботина олишмаётгандир. Ё тавба, нега уларнинг номидан ўзим мулоҳаза юритиб, бундай ўйларга боряпман? Ахир биз томон тупроқкўчки, кўз кўрмаган қуюн бостириб келди. Унинг йўлини тўсиш учун куч-қувватимиз ҳам, им-конимиз ҳам етарли эмас эди. У даҳшатни ҳар биримиз ўз кўзимиз билан кўрдик, чидаб бўлмас азоб тортдик. Энди буёғига нима бўлишини билмайман. Биз ҳозир чўзиқ қалин ўрмон четидан дивизия қўмондони ёрдамчиси кўрсатган томон тез юриб боряпмиз. Олд-дан ҳам, ортдан ҳам тўп гумбурашлари ва портлаш овозлари эшитилади. Ўрмоннинг юп-қароқ ерида, дарахт ва буталар бўйи одамдан сал баландроқ бўлган ерда бизни тўхта-тишди. Полковник Желтов атрофга хавотирланиб боқиб, Алёхинга юз ўгирди. Назаримда у бир нима демоқчи бўлганди, орқадан, чап томондан дивизия командири генерал-майор Дудин, штаб бошлиғи Нечитайло бир гуруҳ аскарлар билан келиб қолишди. Улар ҳам биз каби чарчаган, айримлари яраланган, чанг-тўзонга, қонга беланган эдилар. Уларнинг ора-сида Олег Дубровский ва Қўзибой Йўлдошевни кўриб, булар учинчи баталондан тирик қолган аскарлар эканлигини англадим. Олегнинг ўнг елкасидан белигача лойга беланган, Қўзибой бошланг, тиззасидан бир бармоқ баландроқда шими йиртилган, қон юқи кўри-нарди.

Генерал Дудин қўли билан ишора қилиб, Желтовни сўзламоқдан тўхтатди. У бизнинг сафимизга яқинроқ келиб, бошимиздан оёғимизгача афсусланган ҳолатда кўз югуртирди-да, деди:

- Жангчилар, бугун соат тўртда фашист Германияси уруш эълон қилмасдан бизнинг чегараларимизга хужум қилди, муқаддас Ватанимиз тупроғига бостириб кирди. Душман шаҳар ва қишлоқларимиз, завод ва аэропортларимиз, ҳарбий қисмларни ўққа тутиб, бом-ба ташлагач, ўзининг разил, маккор мақсадига етгандан кейин, бизнинг чегара қўшинларимизга зарба бера бошлади. Орадан анча вақт ўтиб, Шўролар Иттифоқига юзсизларча уруш эълон қилди. Тенгсиз жангларга қарамасдан мен халқимиз ва қўшинларимизни қам-раб олган синдириб бўлмайдиган ирода, куч-матонат бизнинг тупроғимизни оёқости қилиш учун фашистларга имкон бермаслигига ишонаман. Ўртоқлар, иродангиз метиндан бўлсин, жасур бўлинглар! Бу тенгсиз жангда биз ўртоқларимиздан бир қисмини бой бер-дик. Учинчи баталон командири Белинский бу қонли жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.- Дудин Желтовга кўз қири ташлади. – Учинчи баталондан омон қолган жангчиларни сиз-нинг ихтиёрингизга топшираман, ўртоқ полковник.

Генералнинг нигоҳи ва овозида ёниқ бир алам, дардни аниқ ҳис қиламан. Аммо у бу ҳиссиётини биздан яширмоққа, ичига ютишга уринади, гапираркан, бир неча марта зўрма-зўраки жилмайди. Генерал Дудин сафимиздан четроққа кетиб, полковник Желтовга тез-тез нималардир деди-да, кичкина харитани ёйиб, баталон ҳаракат қилиши зарур бўлган йўналишни кўрсатди. Сўнгра ёрдамчилари билан орқадан етиб келиб, уни кутиб турган машинасига ўтириб, жўнаб кетди.

Биз олдингидай тез-тез юриб, ўрмондан чиқдик ва кенг намчил майдонга етдик. Ҳар дам кўз қири билан Олег ва Қўзибойга қарар эканман, машқлар ва уруш ўйинларидан кейин улар билан учрашганимиз, суҳбатимиз эсимга тушаверди. Улар роталари номидан Қўзибойнинг қишлоғига, Ўзбекистонга, у севган қизнинг ота-онасига хат ёзишганди. Хат-да қизни бошқа одамга эрга бермаслик сўралганди. Мен не ўйдаману, фалак не ўйда. Олегнинг ўшанда

айтган тахмини тўғри чиқибди. Аниқроғи, отасининг тахмини. Олег-нинг отаси Қозоғистондан Москвага кўчиб келиб, қайси бир олий ўқув юртида профес-сорлик қилаётган экан. У агар шу йил Гермон фашизми биз билан уруш қилиш ниятида бўлмаса, эҳтимол, катта бир фалокат ва балои азимдан қутулиб қолармиз, деган экан. Фашизм минг хил ҳийла-найранг билан ниятини хаспўшламасин, барибир бугун башара-сини кўрсатди-қўйди. Фашистларнинг бизга нисбатан адоват косаси тўлиб-тўлиб, ана энди бошимизга ёғдиришга тушди. Бош-кети йўқ ўйларим чувалашиб кетади.

«Охири нима билан тугаркин?»

«Ана нима учун биз машқ қилган эканмиз. У машқлар ўзимизни ҳимоя қилишимиз учун зарур бўлган экан».

«Аmmo машқ бошқа-ю, жанг бошқа экан. Агар уруш бошидан охиригача шундай кетса, одам зоти қирилиб кетиши мумкин».

Шайх Саъдийнинг «Баъни одам аъзои бир бадандир» дегани қаёққа кетди! Бошимиз устидан душманнинг бир неча учоғи учиб ўтди. Шу пайт сержант Ломидзе менинг ортим-дан югурганча келиб, полковник Желтовнинг ёнига борди ва ўнг томонга қўл силтаб ишора қилди. Олисида, беш-олти уйли кичик қишлоқча томондан бир рота келгудайин душман мотосиклчилари биз тарафга қараб келишарди.

- Ўртоқ полковник, душман десанти йўлимизни тўсмоқчи, - Гаврилиннинг таниш, лекин ҳовлиққан овози эшитилди.

- Менинг ҳам кўзларим очик, қулоғим кар эмас, жангчи Гаврилин, - Желтов у томонга қараганча кўрс жавоб берди. - Қўрқиб, дод-вой кўтариш яхши эмас!

Гаврилин тўғри айтарди, ҳалигина устимиздан учиб ўтиб кетган учоқлардан ташлаёт-ган парашютчилар кўм-кўк осмонда пастга тушиб келишарди. Улар худди қоп-қора ўр-гимчақларга ўхшар, у ён- бу ён силкиниб, бизнинг йўлимизга тор ташлаш ниятида эдилар. Баталон командири Алёхинга тезда йигирма нафар аскарни олиб, душман йўлини тезда тўсишга буйруқ берди. Битта танкотар қурол ва пулемёт олишни ҳам тайинлади. Алёхин йигирма нафарни аскарни ажратгандан кейин полковник Желтов баталоннинг асосий кучи билан десантчиларга қарши чопиб кетди. Йигирма нафар аскар орасида бўлган мен ва Сергей лейтенантнинг буйруғи билан унча баланд бўлмаган тепаликда қулай ер танлаб ўрнашиб олдик. Биз ўрнашган ердан энди анча яқинлашиб қолган мотосиклчилар гуруҳи яхши кўринарди. Алёхин ҳар бир жангчининг бошига келиб, бу ердан бир қадам ортга қайтиш мумкин эмаслигини қатъий тарзда буйруқ берди. Агар шундай қилсанглар, фақат ўзимизни эмас, балки баталоннинг асосий гуруҳини ҳам хатар остига қўясизлар, деди. У Сергей иккимизга танкотар қурол билан фақат душман мотосикллари нишонга олишни буюрди.

Намчил ерда душман мотосикллари тез юролмасдан, қийнала-қийнала олдинлаб келишарди. Менинг тахминимча яна эллик-олтмиш қадамча яқинлашганларидан сўнг ўт очишимиз айна муддао бўларди. Менга жонсиз нарсани нишонга олишни буюришгани қан-дай яхши бўлди. Сергей танкотар қурол ўқдонини олдига суриб, устига бешотарни қўйди ва тоқатсизланиб нишонга олишга тушди. Қизиқ, ўша уруш майдонидан қалин ўрмонгача, ана кейин дарахтзорлар чети бўйлаб бу ерга етиб келгунча Сергей сира қовоғини очмас-дан ҳеч ким билан гаплашишни истамасди. Нега мен ундан ранжиганча хавотирланиб бундай ўйга боряпман? Ҳалиги бир неча соатлик қаттиқ жангдан кейин ҳеч ким бир-бири билан гаплашишни истамаётганлигини билиб турибман-ку! Гўё ҳаммани сеҳрлаб қўйиш-гандайин қандайдир бир гарангсиб, карахт турарди. Миямга бу ўй яна қаердан келди? Ахир бундай

оғир кунга қолишимиз биронтамизнинг ўй-хаёлимизга яқин йўламаганди. Урушнинг бу офат ва даҳшатларини мен ўзимча, яъни худди машқларда бўладигандайин тасаввур этардим. Балки биз ҳаммамиз шундай ўйда эдик ва энди гарангсиб, карахт туриб-миз. Ана, душман нишонга олиш мумкин ерга етиб келди. Душманнинг танклари ва учоқ-ларидан ташқари тирик жангчиларини биринчи марта кўриб туришим. Худди кўкламдаги ўтлардек бошдан-оёқ кўм-кўк кийиниб олишган. Кийимлари яп-янги, меҳмонга келаёт-ганга ўхшашади.

Алёхиннинг «Ўт оч» деган овози аскарларнинг ичига тушиб кетган нафасини ташқари чиқардим, ҳамма бирданига ҳаракатга тушиб, ўқ отишга тушди. Бизнинг тўсатдан ўт очишимизни кутмаган эканми, душман аскарларидан нечтаси ерга кулади. Душман сафи-да паришонлик кўринди. Менимча, отган ўқим нишонга бехато тегди. Мотосикл ортга бурилиб, ортидан қуюқ тутун кўтарилди, Икки аскар мотосиклдан ўзини жонҳолатда ерга ташлаб, биз томонга ўқ ота бошлади. Душман талафот берганига қарамасдан тўхтамасдан биз томон келарди. Мотосиклчилар орасидан кичик бир тўда ажралиб, бизнинг ўнг томо-нимиздан айланиб ўтмоқчи бўлди. Аммо шу пайтгача жим турган пулемётчимиз бирдани-га тўхтовсиз ўт ёғдириб, душманнинг йўлини тўсди. Душманнинг шу тўдасидан фақат ик-кита мотосиклчи жон сақлаб қолиб, орқасига қарамай қочди. Энди пулемётчи душман-нинг асосий гуруҳи томон ўқ очди ва мотосиклчиларни ниятидан қайтишга, орқасига қараб қочиб кетишга мажбур қилди.

Бу қисқа муддатли жангда биринчи марта ғалаба нашидасини суриб, бир-биримизнинг кўзимизга тик боқардик. Лейтенант Алёхин кўм-кўк ўт поясини тишлари орасига олганча узундан-узоқ ўйга чўмди ва ниҳоят душман ортидан кўз узди. У жиддий қиёфага кириб, «энди баталонга ёрдам беришимиз зарур», деди.

Баталонимиз кичик дарё ирмоғи ортида жойлашиб, мудофаа девори ясашга киришди. Биз лейтенант Алёхиннинг буйруғига кўра хандақ қазिशга тутиндик. Чўнтак соатимга қарайман, мили ўн бирга яқинлашибди. Ана энди эрта тонгдан буён биронтамиз нимадир ейиш тугул, ҳатто бемалол нафас олишга фурсат топмаганимиз эсимга тушди. Қарасам, Сергей гоҳ-гоҳ мен томон ўгирилиб, гаплашиш ниятида, лекин мен буни билмасликка олиб, атайин Олег ва Қўзибой томонга боқаман. Афтидан Сергей йигирма кишилик гуруҳимиз ва умуман баталонимизнинг душман мотосиклчилари ҳамда десантчилар билан қилган жангидан сўнг анчагина руҳланганди. Олег ва Қўзибойнинг бошдан-оёқ тер босга-нини кўриб, беихтиёр терлаган пешонамни енгим билан артдим. Худди шу дамда жамоа-тимиз кенгаши раиси эсимга тушди. Албатта, бу сабабсиз эмасди. Жамоатимиз раиси қиш чилласида ҳам терга ботиб юрарди. Ё тавба, нега уни эсладим, лекин уни унутиш ҳам қийин. Акамда туғма хасталиги борлиги учун духтурлар уни аскарлик хизматидан озод этишганда, раис шаҳарда ва қишлоқда бир неча кунгача дағдаға қилиб юрди. Унинг айти-шича гўё мен акамни пул бериб, хизматдан олиб қолган эмишман. Мен қасдма-қасдига қишлоғимиздан пойтахтга бордим-да, ҳарбий нозирликдан мени хизматга жўнатишлари-ни илтимос қилдим. Мен тўлиқсиз олий маълумотга эга одам, муаллим бўлганим учун қонунга кўра аскарлик хизматига бормаслигим керак эди. Лекин мен йўлини топиб хиз-матга жўнадим.

- Мон шер Мардон! – деди Олег Дубровский дикқатимни ўзига тортиб. – Қизиқ иш бўлди, бизнинг Қўзибойнинг юртига ёзган мактубимиз тугалланмай қолди. Фашистлар бир-икки кунгина сабр қилиб туришганда хатни жўнатган бўлардик. Лаънатилар Қўзи-бойнинг бахтига зомин бўлишди.

- Э-э, сен энди хотиржам бўлавер. Ўша куёвликни орзу қилган йигит энди чимилдикни урушдан кейин кўради. У куёвликка олиб қўйган тўнини ечади-да, ўрнига шинел кийиб,

бизнинг сафимизга келиб қўшилади. Ҳали қараб турунлар, - Қўзибой бизга кулганча қараб хандақ остида қолган тупроқни тепага отди.

Мен жимгина тинч оқаётган дарё ирмоғи сувига кўз тикаман. Гўё у ўз тилида қаранг-лар, уруш ўз йўлида, мен ўз йўлимда кетяпман, деётганга ўхшарди. Ҳаёт ҳам худди шу дарёча каби оқар сувдек ўз йўлида давом этаверади, Худодан ўзга унинг йўлини тўсади-ган куч йўқ бу ёруғ жаҳонда. Мен бу оқар дарёга тикиламан ва негандир ўзимни унинг бағ-рида кўриб, жон-танзимда туганмас бир куч, ҳаловат сезишни истайман. Дарёдан кўз узиб, яна атрофимдаги инсонларга тикиламан. Мен уларнинг чехраси, кўзларидан ҳам ўзимдаги хотиржамлик ва ҳаловатни топишни истайман. Уларнинг бири ўйга чўмганча тамаки тутатади, иккинчиси аёвсиз жанг ҳақида қўл силтаганча сўзлайди. Аммо... курулдошларим-нинг юз-кўзлари ва кўринишларидан бир нарсани аниқ ҳис қиламан – ҳар биримизнинг вужудимизга ваҳима ва кўрқув, тазйиқ солаётган ташвиш ин қуриб олганди. Мен ҳали олдимизда бизни даҳшат тўла, қонли кечалар, кунлар кутиб турганини ҳис қиламан.